

R 496

ГУЛІСТОН


11
1989






Үйстонлиқдаги «Хұжакент» совхозы даңалардағы галла үримі.


Р. Нуримбетов суратлари



Ризак-Рұзимиз.

Күнлар салқын, аммо пінан ығының кізын.





№ 11 (477)

Ноябрь

1989

Журнал 1925 йилдан чиқа бошлаган
Ўзбекистон Компартияси
Марказий Комитетининг боси
нашриети

Бош муҳаррир:
МИРМУҲСИН

Таҳтири ҳайъати:
Сарвар АЗИМОВ,
Баҳодир АМИНОВ,
Хуршид ДАВРОН,
Наримон ИБРОҲИМОВ,
Ўқтам МИРЗАЕРОВ,
Эргаш МУҲАММАД
(масъул котиб),
Шомурод СИДДИКОВ,
Сайдмаҳмуд УСМОНОВ,
АЗИЗ ҚАЮМОВ,
Оқиљон ҲУСАН
(бош муҳаррир ўринбосари)

Бош мусаввир
Т. Сайдулла
Саҳифаловчи
М. Абдуллаев
Мусахих
З. Турсунов

«Гулистан» — ежемесячный, общественно-политический, литературно-художественный журнал ЦК КП Узбекистана (на узбекском языке).

Редакция телефонлари: бош муҳаррир — 33-35-20; бош муҳаррир ўринбосари — 33-35-90; масъул котиб — 32-58-33; ижтимоий-сиёсий бўлим — 33-36-02; адабиёт ва санъат, фан ва маданият бўлимлари — 33-36-59; мусаввирлар бўлими — 32-58-77.

Адресимиз: 700000, Тошкент —
П. Ленин кўчаси, 41.

Анижон вилойатидаги Москва пакта тозадаш заводининг боси
механини Ваҳоб Махмаджонов. Р. Ашурев суратга олган (ЎзТАГ)



БУ СОНДА:



A. КАРИМОВ:

...Орадан ўтгиз беш йил ўтгандан
кейин 80-йилларнинг навқирон
авлоди ҳам уруш билан юзма-юз
келди...



Дадаҳон НУРИЙ:

Атрофни ўраб олган кишилар гур
этуб кулиб юборди. Орадан ши-
вир-шивир овоз эшитилди: «Бах-
тиёр Иҳтиёров! Бахтиёр Иҳ-
тиёров!»



Шукур КУРБОН:

Укажонлар, сингилжонларим,
Болалар уйининг етимчалари,
Ота-она меҳрига зор —
Олдда дийдор бор,
Дийдор они бор!..

МЕҲНАТНИНГ ЗЎРИ— ДЕҲҚОННИНГ ШЎРИМИ?

ҚАЙТА ҚУРИШ АҚИДАПАРАСТ, ҶОЛОҚ КУЧЛАРНИНГ
ҚАТТИҚ ҚАРШИЛИГИНИ ҲАМОН СЕЗИБ ТУРИБИДИ...

(М. С. Горбачевнинг 1989 йил 18 июлда КПСС Марказий
Комитетидаги кенгашда қилган маърузасидан)

Ошкоралик, қайта қуришнинг илиқ шабадаси эса бошлаганига ҳам мана тўрт йилдан ошди. Шундан бўён ечимини кутиб, тўпланиб ётган муаммоларни ҳал этиш йўлларини ошкора излай бошладик.

Сўнгги пайтларда дала меҳнаткашларининг машақатли юмушлари, турмуш тарзининг оғир кечётгандиги ва рўзгордаги танқисликлар ҳакида кўп ва рўй-рост гапиримдоқда. Яқинда қишлоқ меҳнаткашларининг турмуш шароитларини яхшилаш, ҳаётини фаровонлашириш максадида Ўзбекистон Компартиаси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советида колхозчилар, совхозларнинг ишчилари, гражданларнинг шахсий ёрдами чўхжаликларини ва якя тартибда ўй-жой курилишини янада ривожлантиш тўғрисида тадбирлар ишлаб чиқилди. Бу эзгулик сари кўйилган қадамлардан биридир. Бирор, мазкур қарорнинг ижорочилилар — колхоз ва совхозларда матмуриятнинг ўз имкониятлари ноҳорлигини рўяч қилиш ҳоллари турди турбиди. Кўп жойларда ҳали бу хайрли ишнинг бажарилишини пайсалга солиси қўзга ташланмоқда. Кўриниб турибиди, бизда ана шундай хайрли тадбирларнинг тақдири ҳамон масаланинг можхитини тушунмайдиган бошлангич бюрократик қатлам — кучли идоравий кучлар кўлида сақланиб турганингин кўрсатади. Улар колхозига истаса 20 сотих, истасма 4—8 сотих томорқа беришлари мумкин. Бу эса меҳнаткашларду ҳукумат олиб бораётган сиёсатга ишончсизлик түғдидари. Шундай қилиб, ишнинг якуний кўрсаткичиди эса сезиларни ўзгариши кўринмайди. Демак, узон йиллар мобайнида хўжалик юритиш механизмига салбий таъсир этиб келган бюрократик қатлам ошкоралик даврида ҳам олга силихиша тўсқинлик қилаётди. Бюрократлар оғизда қайта қуришни баралла олқишишади-ю, амалда унинг йўлига фой бўлиб туришибди.

Сафар тақозоси билан айни тўкин-сочинлик пайтида Арнасой районига бориб қолдик. Марказий кўргонда шинамгина «Табият инъомлари» деб номланган кўккат дўкони бор экан. Кизиқиб ичкари кирдик. Афсуски, дўкон деярли бўм-бўш — елим халтачалардаги ерёнгок ва ёнғодан катта бўлмаган картошни тепасига «қилоси 1 сўм 36 тийин» деб ёзиб кўйилганди... Кишлодаки, унинг нархи осмонда бўлгач... Қишлоқ ахли қайси олаётган жарак-жарак маошига уни ҳарид қилаолади?

Шу муносабат билан паҳта якка зироатчилиги ҳақида иккни оғиз сўз. Ҳар йили этра баҳорда жумхурятимиз қишлоқ хўжалиги ходимлари кенгашида алмашлаб экишни йўлга кўйиш, картошни, сабзавотни кўлтириши ҳақида бонг урлади-ю, амалда паҳта га зўр берилаверлади. Чунончи, биргина Муборак районида сўнгги йилларда сабзавотчилик ва бўрдоқчиликни мўлжаллаб тузишган совхозлар ҳеч қандай мулоҳазасиз паҳтчиликка айлантириб юборилган. Ҳўш, унга кимлар айбдор? Қани, айбдорни топиб кўрининг-чи!

Тошкент шаҳри атрофидаги хўжаликлар сабзавотчилик ва бўгдорчиликка ихтиослаشتитилган. Сабзавотнинг салмоқли қисмини эртаги карам эгаллайди. Уни экишдан максад биринчи галда совуқ ўлкалар аҳолисини шу ноз-неъмат билан таъминлаш. Бироқ карамни

етишириш ва топширишда катта номутаносибликлар мавжуд. Ҳосилдорлик гектар бошига 26 тонна белгиланган. Шуни топширган деҳқонга минг сўм иш ҳақи тўланади (Даромад солиги ҳам шунинг ичиди). Борди-ю этиширилган ҳосил ҳаридор айби билан далада колиб кетса, деҳқонга бир мири ҳам тегмайди.

1 майдан 10 майдага карамнинг ҳар килосига 43 тийиндан тўланади. Аммо бе белгиланган вақтда бизнинг иқлимимизда эртаги карам этишириб чиқариши кийин. Иккинчи нафбати 11—15 майга белгиланган бўлиб, 38 тийиндан ҳақ тўланади. Бу муддат ҳам деҳқон учун эрталик қиласди. Яна у жуда қисқа белгиланган. Ҳўш, колган атиги беш кунда деҳқон даладаги карамни узаоладими, (олдинроқ узса, сифати бузилади) даладан ташки чиқадими, бир неча кунлаб нафбат кутиб вагонга ортадими? Айниқса, шу кезларда хўжалик транспортни мутлақо этишмай қолади. Деҳқон кира машиналарни излаб янга овора бўлади. Учинчи нафбати 16—20 майга тўғри келади. Нархи эса 30 тийинга тушади. Ўз-ўзидан кўриниб турибиди, бу муддат ҳам қисқа белгиланган. Охиргиси 21—31 май бўлиб, карам нархи 15 тийинга тушади. Деҳқон ҳосилини шу нарҳда топширишга ҳам

рози. Аммо вагон этишмай, транспорт тополмай кўп деҳқонларнинг қиши бўйи бола-чақаси билан лой кечиб қилган меҳнати далада қолиб кетаверади.

Умуман, нарҳ ўзгариш кунлари белгилашда деҳқоннинг меҳнатию, об-ҳаво мутлақо хисобга олинмаган. Ваҳоланки, эртаги карам этиширишнинг ўзи бўлмайди. Ердан ҳали қор аримай деҳқон далани кўзлайди. «Ийлти» этиб офтоб кўринди, дегунча бола-чақаси билан далага ёпирилади. Об-ҳаво яхши келса — унинг омади. Аммо нотанти келиб, карам ниҳолларини совук уриб кетган пайтлари кўп бўлган. Шундай пайтларда карам этишириш ҳафталаб кечикадиу, унинг қилиш нархининг кунлари асло ўзгармайди. Қолаверса, деҳқонга карам ҳакини тўлашга келганда кўпинча ҳаридор фирромлик қиласди. Яъни сабзаботни олиб кетадиу, пулини истаган пайтида юборади. Шу сабабли сабзаботкор деҳқонни кўриқса буғдой селиб кўйиб, ҳаводан нажот кутаётган фаллакорга қиёслаш мумкин. Карам этиб келгунча айниб қолади, дёя деҳқонни янга чўмичда қоқиш ҳеч гап эмас-да. Ана шунда деҳқоннинг ёнига тушиб, унинг ҳак-хукукини, меҳнатини ҳимоя қиладиган жонкуяр топил-



Тюмень вилоятида ишлаётган юртдошларимиз меҳнатда улкан муваффакиятларни кўлга киритишади.

Суратда: Андижондан бориб ишлашаётган бургувович Шавкат Рахимов ва Владимир Васильев иш устида.

май қолади. Қани энди ҳаридорнинг ўзи келиб, тепасида туриб молни тортиб олса-ю, шу ернинг ўзида хисоб-китобини қилип кетса.

Ўзбек дәхқонлари фоят соддадиг, вижданли. Зеро, 1989 йили дәхқонларимиз 15 тийиндан вагонга қарама ортаётгандаридан Тошкент бозорларда унинг килоси 1 сўмчага чиқиб кетди. Аммо шунда ҳам улар ўз маҳсулотлариниң бир қисмини бозорда сотишни ҳәлларига ҳам кептирамидар.

Дәхқон эртаги қарамини топшириб улгурмай ипак курти даҳга қиради. Қарабисизки, бир ойгача оиласида кечасию қундузи тинчлик йўқ. Мутахассисларнинг ҳисобларига кўра, ҳар кути ипак курти то пиллага киргучин ўртacha 750 килограмм барг истеъмол қилас экан. Бу гап айтишга осон албатта. Аммо ҳак тўлашга келганда пиллакор яна чўмичда қоилиди. Жумхурятимизда етиширилган ҳар килограмм сара пиллага 40 сўм 65 тийин берилади. Бироқ пиллакорнинг кўлига шундан нари борса 6—7 сўм тегади холос. Колганичи? Суриштириб тагига етиб бўлмайди. Пиллакор бўлса, борига барака-да, дейишдан нарига ўтмайди. Кимлар меҳнатининг қадрини тўқаётгани билан иши йўқ. Ваҳоланки, ҳукуқни муҳофаза қилиш идоралари кимлар дәхқоннинг нонини түя қилаётганини топсалар бўлади-ку. Ҳатто бир неча йил бурун ҳар кило пиллага нақд 15 сўмдан тўланади, деб ипак маҳсулотларининг нари оширилган эди. Аммо матолар кимматлашиди-ю, пиллакорга сарик қақалик ҳам нафи бўлмади. Айнича, пиллани қабул қилиш пунктларидаги ишлар кўзбўлағиччиликка ўхшаб кетади. Шу ерда пиллакорнинг ҳам навдан, ҳам салмоқдан бой бериш ҳеч гап эмас. Чунки етиширилган пилла навини пиллакона ходимидан бошқа ҳеч ким билмайди. Аслида, улар ҳам дўйконнинг тарозиси каби бор нарсани рўй-рост кўрсатиб турнишлари керак. Токи пиллакор ҳам меҳнати самарасини ўз кўзи билан кўрб турсин.

Маълумки, пилла курти боқиши, пилла етишириш машаққати ҳамма ерда бир хил. Аммо ҳак тўлашга келганда тафовути катта. Масалан, россиялик пиллакорларга ҳар килограмм сара маҳсулот учун 73 сўм 90 тийин, украиналик

пиллакорларга эса 65 сўм 60 тийиндан ҳақ тўланади. Ҳатто ўзбек пиллакорининг кўшниси қозоқ пиллакорлари ҳам икки хисса ортиқ ҳак оладилар.

Жумхурятимизнинг пилла етишируви ҳар бир қишлоқ райони йилига 120—150 минг сўмлик тут кўчтларни ҳарид қилиади. Аммо кўп жойларда унинг бир тури ҳам экилмайди. Борди-шу пайтагча ҳарид қилинган кучатлар экилгуден бўлса, ўлкамизда оёқ босишига жой қолмасди. Ўш, бу тут кўчтларни кимнинг ҳам-ёндан ҳарид қилинади! Албатта, дәхқон ҳисобига кун кўрадиган агросанаочтилар, хўжалик, район раҳбарларининг ошиб-тошиб ётган маблағларни йўқ. Улар факат кераксиз тут кўчтларини ҳарид қилиш учун оддий пиллакорнинг чунтагига кўл тикишмайди. Турғунник давридан мерос бўлиб қолган бу истроғарчиликка ҳамон чек қўйилгани йўқ.

Дәхқон пилласини топширмагунча ишкомга яқин боришига кўли тегмайди. Энди у нафасини ростсламай туриб оиласи билан узумзорга ёпишади. Етиширилган ҳосилининг асосий қисмини умумиттифоқ фондига топшириш унинг гарданади. Биргина Булунғур районидан умумиттифоқ фондига йилига 30—40 минг тонна узум, ҳўл мева, сабзавот, картошка (қаранг-а, ўзимизга етларни бўлмася) жўнатилади. Бунинг устига жўнатилган маҳсулотдан йилига 3—6 миллион сўм зиён кўрилади. Бу ҳам дәхқоннинг шўри. Сабаби, маҳсулотлар мансизла етиб боргунича айниб, нари пасайтирилармиш. Ҳатто ўтган йили бир килограмм узумга 4 тийиндан ҳак юборишибди. Бели оғримаганин нон ейишни кўр, деганлари шу-да! Ўзбек дәхқонининг чўмичда қоқилиши мана шундан.

Ўтган йили Пойариқ районидаги Куйбишевномли колхоз томонидан Олтой ўлкасига 115 тонна пиёз юборилиб, даромади кутиб турлиганида, килограммига 13 тийиндан ҳак келди. Ваҳоланки, пиёзинг нари шу ернинг ўзида 25 тийиндан кам эмасди. Область бўйича юборилган минглаб тонна пиёзга ҳам арzon нархда ҳак келди. Меҳнатини қимлаган одам меҳнаткашнинг қадрига етмас экан-да! Еки содда ўзбек дәхқонининг ҳимоячиси йўқ, деб

ўйлашса керак-да! Ваҳоланки, Молдавиядан умумиттифоқ фондига юборилган узумнинг ҳар килограммига 50 тийиндан ҳақ тўланганини Булунғурда сўзлаб беришиди.

Ана шундай ахволда ўзбек дәхқонининг косаси оқарадими? Унга оғизда, сен еринг асл эгасисан, дейилади. Аслида ҳеч қандай ҳукуқ берилмайди. Ҳатто етиб бўлмас планни ҳам, маҳсулотнинг арzon нари ҳам юкоридан белгилаб берилади. Ундан кун нарса талаб килинади, унга ҳеч қандай имтиёз берилмайди.

Ҳозир қишлоқларда аввалидик мол етакласа бўладиган уватлар, заҳкаш қирғозлар йўқ бўлиб кетган. Демак, дәхқоннинг чорва боқиши ҳам ниҳоятда қийинлашган. Ҳўялида етиширигдан озуга эса жамоат чорвасига учмачу етади ётмайди. Нонуштада бир бурда нон тўргаб ёйдиган қаймок ҳам кўп хонадонларда йўқ. Энди у рўзгоринин бир томонини тутиб турган чорвадан ажралдими, шундок ҳам оқармаган косасидан ранг-кут ўчди деяверинг. Қани энди, жумхурят агросаноат давлат комитетидан бир жонкүяр раҳбар чиқиб, дәхқонга мадад қўлини чўзса-да, ўлладан ташқарига 2 сўмдан сотиб юборилаётган кунжарадан кераклисига ажратиб олиб берса. Бунинг эвазига дәхқон кўйлаб сут ва гўшт маҳсулотлари етказиб бермасими? Ваҳоланки ҳозирда қишлоқ жойлардаги хонадонларнинг 40 фомзида қорамол, 65 фоизида қўй-эчки бокilmайди.

Ҳозир шакар-қанд талонга берилапти. Давлат нарихида сотиладиган гўшт дәхқоннинг тушига ҳам кирмайди. Уларга сут маҳсулотлари етказиб берис ҳеч кимнинг ҳаёлига ҳам келмайди. Кўриниб турибдики, бир этак боласи билан дәхқон қандай кун кечираётгани билан ҳеч кимнинг иши йўқ. Булунғур ҳаммаси унинг ўзи етишириётган маҳсулотларига эгалик қила олмаётганидандир. Етиширигдан маҳсулотларига баҳо қўйилишида ҳам ҳаддан зиёд ноинсофига қилинмоқда.

Қачонгача меҳнатининг зўри дәхқоннинг шўри бўлиб қолаверади?!

Мурод ПАРПИХЎЖАЕВ

ЁЗУВЧИЛАР ЗЎРАВОНЛИККА ҚАРШИ

Ҳиндистондаги мавзелар биринкетин зўравонлик исканжасида қолаётир. Панжобдан сўнг Жамму ва Кашири, Ассом, Андхра-Прадеш, Уттар-Прадеш каби вилоятларда бузғунчилар бош кўтартмоқдалар. Улар ур-сурчилик йўли билан сийсий, диний, ҳатто лингвистик муаммоларни ҳал этишига уринмоқдалар.

Ҳиндистон президенти мустақиллик кунида миллатга қаратса мурожаат қилиб, ҳинд халқини ана шу хавф-хатардан оғоҳлантириди. Парламентнинг машҳур бешта вакили зўравонлике қарши кураш чакириги билан чиқди. Мулк Раж Ананд Таркатирта Лакшманшастри Жўший, Винаяк Кришна Гокак, Тхакари Шивашанкара Пиллай, Амритлаъл Нагар ва Ананд Шанкар Рей каби йирик ҳинд ёзувчилари ҳам ташвиш ва безоватлик билдириб, ана шу чакириқка қўшилдилар. Улар ўз муносабатларини билдириш учун адабларга берилажак энг олий уйнов — Хиндистон Адабиёти академияси (Сахитъя академи) аъзолигига қабул қилиниш чогида бирга йигилдилар.

Турли хил кўринишдаги бузғунчиларга қарши жамоатчилик фикрини қарор топтириш, террорчиларнинг қилмишларини фош этиш — ёзувчиларнинг чиқишиларида бош мавзу бўлди.



Фарғона вилояти, Риштон ноҳиясидан бориб Тюменда ишлаётган коммунист Тиллабой Шерматов энг уста токарлардан бири ҳисобланади.


A. Кошкін суратга олган (ЎзТАГ)



«СЕНИ АСКАРЛИККА КУЗАТГАН ЭДИМ...»



Тақдир экан, энди бунисига ҳам кўниш керак.



Кимёхон опанинг оналилк мекхи бекмёйдир.

Ажоддларимизнинг Ватан хиёси, озодлиги йўлида кўрсатган мардлигини фахр билан тилга оламиз. Широқ, Муқанна, Жалолиддин, Темур Малик каби тарихий шахслар бошчилик қилган юрт ўғлонларининг босқинчиларга қарши курашлари асрлар давомида шарафланиб келинёттир. Манфур гитлерчилар устидан галаба билан қайтган боболаримизни ҳам қалбларда кувонч, мағрур турғиб қаршиладик... Орадан 35 йил ўтгандан сўнг 80-йилларнинг навқирон авлоди ҳам уруш билан юзма-юз келди. Лекин бу бемаъни ва мақсадсиз уруш ўзга юрт тупроғида эди. Минглаб гуноҳсиз оиласар бошига ёғилган кулфатли урушда иштирок қилган ватандошларимизга «Сиз жон кўшинимиз ағрон халқини озод қилиш учун байнамлилар бурчинизни ўтаяпсиз!» деб ишонтиридилар. Аммо бу соҳта «байнамлилар» чилик Ватанимиз учун ҳам, ватандошларимиз учун ҳам қимматта тушди. Минглаб-миллионлаб авлодимиз вакиллари майб-макрух бўлиб қайдилар. Бир умрга ўзга тупроқда жон таслим қилдилар. Чечаклар кон бўлди, ушалмаган армон бўлди бу Фигонистон...

Хўш, навқирон замондошларимизнинг умри кимларнинг каптафаҳмлиги туфайли эрта хазон бўлди!

Яқинда Узбекистон телевидениесининг ижодий ходимлари (матн музалифи — Косимжон Сўниев, тартиб берувчи — Тоҳира Шамсиева, суратга оловучи — Рафаэл

Камолов) томонидан тайёрланган «Умиди номли ҳужжатли фильмни кўриб, саволларга жавоб топгандай бўлдик.

Фильм муқаддимасидаги ёнаётган совет ҳарбий машиналари бевосита сизни Ағронистондаги уруш воқеаларига рўпарў қилди. Бирданга тасвиirlар Кремлининг ҳашаматли саройидаги тантана билан алмашинади. Л. И. Брежнев юқори мартарабли олий кўмондонларга орден, медаллар топшираётир. Катта тантана, ҳаммаларининг юзларida қувонч. Улар Ағронистон Республикасига чекланган миқдорда қўшин киритишга фатво берганликлари учун мукофот олмоқдалар. Фильм ижодкорлари шу лавҳанинг акси ўлароқ ҳар қандай кишининг юрек-багрини ўртаб, ларзага соладиган ҳарбий шифоҳонага эътиборни қаратиб бемаъни «байнамлил» чилик оқибатлари — уруш жабрiddiyalarning аччиқ қисматидаги хикоя қилалилар. Ҳётининг энг навқирон ногига уруш оғатига учраган бу ўғлонларнинг бири икки кўзидан, бошқаси икки оғигдан, яна қайси бири оғир тан куйиши асоратидан азоб чекиб ётган ногиронлар. Бу лавҳалар ҳужжатли бўлғанлиги учун тарихимиздаги, қисматимиздаги аччиқ ҳакиқат бўлғанлиги учун ҳам томошабинда юқорида мукофотланганларнинг кўкракларига тақсан нишонлари оғир ва қизил, кон рангидаги бўлғандай таассусот қолдидари. Кони тўқилгандар бошқаю мукофотланганлар бошқа.

Улар кўксидаги нишонларни нима деб кўтариб юрадилар Эҳтимол, фахрланиша ҳам керак.

...Каттагина оила аъзолари дастурхон атрофида жам бўлиб ўтирибидилар. Барабаста, ёш бўлишига қарамай сочини киров болгаган йигит эса мунгайлан кўйи сўри чеккасида ўз хаёли билан банд. У ҳам шу оила аъзоси. Йигирма ёнда иккича оғиг ва бир кўзидан ажалиб ногирон бўлиб қолди. Салкам танасининг ярмини ағон тупроғига ташлаб келди. Бу йигит фильм қархамони, байнамлилали жангчи Косимжон Тошматов.

Агар муштариylар ёдида бўлса, «Гулистан» журналининг 2-сонидаги замбада ётган икки оғекисиз йигит ва тепасида дард чекиб турган отирида этилган, «Улар Ағронистондан қайтилар», деган лавҳа эълон қилинган эди.

Ушанда мана шу саҳифани тайёрлаётib дилимиз вайрон бўлган эди. Шоир Эргаш Мухаммаднинг «Изтироб» деб номланган шеъри ана шу изтиробли дакиқаларнинг маҳсулни. Кейинчалик журналинимиз нашрдан чиққач, мухлислиримиздан ҳам изтиробли мактублар олдик. Улар жангчининг кейинги тақдирни билан қизиқшларини, кўмал бериларини, унинг исми нима ва қаёрги эканлигини сўраб юзлаб хатлар ёзишди. Ағуски, фотомухбиб А. Екубов бу суратни тасодифан, яъни йигитни шошилинч суратда Тошкентдаги ҳарбий шифоҳонадан Москвага даволаниш учун олиб кетишаётганда



суратга олиб улгурган. Уша вазиятда унинг исмими ва манзилини сўрашга њеч қандай имкон булмаган экан. Биз ҳам бу суратни ўзга юрт тупроғида бегуноҳ жабрдийдаларнинг бир вакили сифатида журнал «Сифа» сифасидан ўзиган қилган эдик. Шундан сўнг журналхонлар истаги инобатга олиниб, ёшлар учун мўлжалланган «З-студия» телекўрсатуви орқали телевидениеда мазкур сурат қайта кўрсатилиб, ким уни билса ёзиб юбориши илтинос килинган эди. Шундан сўнг тез кунда Шуҳрат Аюбов деган йигитдан хат келди. Хат мазмунидан маълум бўлдики, журналда сурати ўзлон килинган йигит қардош Тоҳикистоннинг Ленинбод вилояти, Конидомбод ноҳиясидаги Кўкчак қишлоғида яшовчи ўзбек йигити Косямжон Тошматов экан.

Ўзбекистон телевидениесининг режиссёри Тоҳира Шамсиева эса Косямжон Тошматов ҳақида фильм ишлашга кириди. Шу мақсадда улар Тоҳикистонга йўл олдилар.

Фильмда уруш ва инсон муаммоси ижтимоий-сийёси, маънавий руҳият асосида ёритишига ҳаракат килинган Косямжон тақдирни орқали байнамилали жангчиларнинг ўтмиши ва бугуни, уларни қўйнаётган муммомлар, зиддиятлар фильmdа ўз ифодасини топган. Биз бирорта сифатиз тикилган кўйлақ ёки озиқ-овқат маҳсулоти харид килсан, қанчалик асабийлашамиз. Модомики, танангнинг ярмидан акралган бўлсанггу унинг ўрнини босиш учун мўлжалланган ясама «аъзоҳларинг» сифатиз тайёрланган бўлса...

Кадраги ёрилиб кетган ясама оёклар ҳар қандай томошбинни чукур изтироба солиши шубҳасиз. Косямжон олти марта жарроҳлик ўринидига ётди. Ўшанда чеккан азоблари етмаганидек ёғоч оёклиари ҳам панд бера бошлади. Қурувчи бўлмоқчи эди. Ҳалқнинг тўкини, фаровон яшашига ҳисса кўшиш ниятида Самарадаги курилиш техникиумида таҳсил олаётганди. 1987 йили тенгдошлари қатори

ҳарбий хизматга чақирилди. Байнамилаличи жангчи сифатида Адрдаги чекланган миқдордаги совет кўшиллари сафида хизматни ўтай бошлади. Таҳликали кунлар, кўзга кўринмас душман ўки жанговар дўстлари сафини сийраклаштириб турар, нима учун бу ерда юрганликларни ҳали англаб етмаган йигитчалар тез-тез ўққа учб турарди. Балки бу Совет Армияси учун жиддий синов бўлгандир? Лекин бу синов худа-бехудага ҳалқ фарзандлари ҳисобига бўлмаслиги керак эди.

Косямжон Тошматов ҳам 1988 йил 22 июнь куни афғон қишлоғини душмандан тозалаш учун ўтказилган жанговар юрища минага дуч келиб, бир умрга шу кўйга тушиб колди. Фильмда одамлар ўтасидаги меҳр ва бемеҳрлик, муруват ва эътиборсизлик ҳам ўз ифодасини топган.

Кадрлар ортида К. Тошматовга ёзилган мактублардан сатрлар ўқилади: «Сиздай мард ва жасур йигитлар бор экан, Ватан ўзининг мустаҳкам қалқонига эгадир... Сизнинг иродангиз олдида таъзим қиласман». Бердиева Марҳабо, Қашқадарё вилоятидан.

Ҳа, ҳақиқатдан ҳам Косямжоннинг иродаси кучли экан. Ўтказилган бир қанча оғир операциялар, раҳбарларнинг ёлғон вадалари (улар унинг на ўй-жой шароитини яхшилаб беришган, на оддий инвалидлик коляскасини унга раво кўришган), ҳаёт ташвишлари унинг иродасини буқолмади. Ҳали бирор марта бўлса-да нола чеккани, бир жойга шикоят қиласани йўқ. Юзларига эрта улусифатли ва вазминлик кўнган йигит факат умид билан яшамоқда.


Фильм ниҳоясида кадр ортидан мунис алла эштилади: «Мажруҳ бўлиб ҳазон бўлма, болажоним аллаҳ. Сим каравотда эса ёғоч оёклиари суръ юйилган мажруҳ йигит бемонын уруш жабрини чекиб ётиби.

Абдураззоқ КАРИМОВ

Ўзбекистон телевидениесининг ижодий ходимлари «Умид» хужжатли фильмини тасвирга тушириш жарабанида.


А. Екубов суратга олган.

Собиқ байнамилалчи жангчи Косямжон Тошматов.



Ўзбекистон телевидениесининг ижодий ходимлари «Умид» хужжатли фильмини тасвирга тушириш жарабанида.





КИРИШ

Кайдан келди бу достонни ёзмоқ хаёли?
Нега уни ёзмасам бўлмас?
Ерилмаган яра мисоли
Жон-жаҳоним ҳаловат билмас.
Балки ёргу жаҳондан пинхон
Еруғ бир дард конимда эрди,
Балки уни ёзмоқ хаёлин
Она кизим Дилфузга берди...

ДИЛФУЗАНИНГ ОРЗУ-ЎЙЛАРИ

Бу турмушнинг шанба-якшабаларин
Канчасини сенга ҳамда аканга —
Болаларимга
Бағишладим, она кизим,
Имкон борича
(Кани энди кўпроқ бўлса бу имкон!
Имконсизлик саҳролари
Босиб келар тобора —
Хайтим гулшанларин,
Босиб келар, демак, улар
Сенинг орзу-ўйларингни ҳам!..)
Хайвонот богига,
Бошка боғларга
Олиб бордим ҳар иккингизни
Кўйирчокдек ясантириб, етаклаб шундок,
Бола бўлиб яйраб кайтдим ўзим ҳам ҳар
гал...

Кечак эса,
Она кизим,
Бошка сўз дединг,
Илтимос қилдинг:
«Олиб боринг эртакка!..» — дея,
Тонг қўйдинг мени!..
«Эртак — ўйк!» — деб айтиб бўлмайди,
Айтсан, сўлдирман орзу гулларинг,
Ўлдираман ҳаёлларингни!
«Вор!» — десам, гар,
Олиб бораман қандок?
Бориб бўлар йўқ жойга қандок?!.
Ердам қўйинг чўздинг ногахон ўзинг,
Дадажонинг аяб, кизгониб:
— Дада, эртак жуда узок-а,
Машинада борилади-я?..
— ...
Поездами ё?..
Самолётда бориладими?..
— ...
— Майли, бошка куни борармиз,
Кейинги дам олиш кунингиз...
Боша чайқадинг хижолат,
Мени қийнаб кўйганлигиндан.
Мен тураман сендан хижолат,

Шукур КУРБОН

Укажонлар, сингилжонларим...

Достон

Иккимиздан дунё хижолат:
Бориб бўлмагани учун эртакка!..
Энди ҳар душанба ўйлайсан ўксис:
Дунёда энг паришонхотир —
Одам — менинг дадажоним, — деб

* * *

Она кизим — Дилфузга бехаба эди,
Хаёлимдан нималар кечди —
Сухбатла туриб у билан.
Хали унинг ёшига етмай
Оддий бир болалик ҳам насиб этмай,
Юртимизда бемахал, бевакт
Хаётдан кўз юматтган шакартойлар кўп,
Ширинтойлар кўп.
Ўшаларга айтдим оғрик сўзимни
(Гўдаклардан ҳаммадар ахтардимми — мен,
Донолар ҳаётда ётганда ачиб!..)
Дерларки, сўзлашини билмасалар ҳам,
Гўдаклар англармиш катталар дардин.



СИЗ ЭСА, ЎЛМАНГ!..

Ширинларим,
Асалларим-ей,
Ватаним гўдаклари!..
Ким айтди сизга —
Кимлар айтди-ей:
«У дунё — бор» деб
«У дунёда дўзах ва жаннат бор» деб,
Гунохкор, деб биз оталарни
Ким айтди сизга?
«Модомики, оталар гунохкор экан,
АЗоб чекмасинлар учун дўзахда,
Чақалоқлар ўлиши керак,
Гунохини худодан
Сўраб олиши керак чақалоқлар», деб
Ким айтди сизга?
Далаларга заҳарли дорулар сепган
Амакилар айтдими сизга бу гапни?
Иби Сино юртида яшаб,
Табобатнинг оддий сирларин
Билмайдиган ношуд шифкорларми —
Сизга ёлғон бу гапни айтган?..
Биз — оталар гунохкор бўлсак,
Ювайлик ўзимиз гунохимизни,
Юлмасак, куйиб-ёнайлик
Сиз эшиттан ўша дўзахда,
Сиз эса, ўлманг,
Ўлманг, ширинларим,
Шакартойларим!..
Биз оталар гунохи надир,
Даъват этган сизни ўлмокка?
Айтинг, жужукларим,
Асалтойларим?!..
Тилимизни ўқотганмидик,
Иўқотдикми тарихимизни?
Номимизни сотдикми?
Орномусимиз?..
Ўргандикми енгил-елпи яшашга?
Сизга ҳаром едриликми нон?
Биз — оталар гунохи надир,
Жужукларим, асалларим-ей!..

Шахсга сигинишнинг машъум давоми —
Тургунлик йилларин кўрдик биз ахир,
Локайдлик йилларин кўрдик биз ахир,
Шаънимизга доғ туширмасдан
Оқ-оппоқ бўлиб,
Улардан чикмок ҳам осонми, ахир?..
Хеч бўлмаса сукут сақладик,
Сўзлаш керак бўлган чоқларда,
Хеч бўлмаса хўрсиндик холос,
Бўлаш керак бўлган чоқларда!..
Сизнинг олдингизда юзимиз шувит,
Жужукларим, асалларим-ей!..
Орамизда карсакчилар кўп,
Таъзимкорлар,
Гердайтнлар,
Юраги йўқлар...
Фаришта эмасман балким ўзим ҳам:
Бир кизчам утган,
Она кизим Дилфузамнинг опажониси,
Утган-кеттаг менин ёқиб-кўйдириб.
Тошкентдаги Вилоят қабристонида
Уюм тупрок бор,
Жигаримнинг бир парчаси бор.
Фаришта эмасман, демак, ўзим ҳам.
Ва лекин, асалларим,
«Ит бўл, куш бўл — кўп бўл», деган
Буюк нақл бор.
Қандай кўп бўламиш, сизлар ўлсангиз,
Болалар ўлса!..
Ўлманг, ширинларим,
Шакартойларим,
Фарзанд додигин кўрган отага
Ҳамма ер — дўзах,
Жаннат татимас!
Фарзанд додигин кўрган оталар —
Ишонмокдамиш
Саркашлик ила,
Эслари тескари бўлган одамдек —
Хеч кимсаннинг айбисиз, шундок.
Ўзларингиз ўлмокдасиз, деб.
Ўлмокдасиз: бизнинг гунохни
Сўраб олиш учун худодан
Нариги дунёда!..
Хей!..
«Киссасул анбиё» да:
«Дунёда энг ширин нарса — бу фарзанд»,
Деган калом бор.
Жудо кильманг бизни ўз дийдорингиздан,
Жуда ҳам кўп тотдик шундок ҳам ахир,
Ҳаётда биз аччиқ-тизикини!..
Ўлманг, ширинларим, шакартойларим!..



Жужукларим-ей,
Кулинг, кулдиринг.
Кийланг шод, кувнок,
Хар куни бир янги килик чикаринг,
Униб-ўсинг,
Изимиз босинг,
Ўзимизга колдиринг
Дўзахимиз —
Насибамиш!..
Ширинларим, шакарларим-ей,
Жигарларим, жужукларим-ей!..

* * *

Сўзимни тугатар-тугатмасимдан,
Етти мингга яқин болажон келди
Кошимгачувлаб,
Тирик етим этид уларнинг бари.
«Бизнинг ота-онамизга ҳам
Езиб беринг, деди улар, шеър.
Келсин бизни олиб кетгани
Шеърингиз ўқиб*.
Дедим: «Майли, ёзаман аммо
Багишлайман уни сизларга.
Керак бўлса ўқиб олишар улар,
Бозор очмоқ шартмас хисларга!..

ОЛДДА ДИЙДОР БОР...

Сизни ташлаб кетдилар кунлардан бир кун,
Сизни ташлаб кетдилар
Юлқиб-сугуриб
Совук бағирларидан
Мехрзалик даврининг меҳрзислари;
Совуқконлик билан ташлаб кетдилар.
Кувончларин ташлаб кетдилар,
Вижонларин ташлаб кетдилар...
Кўнғиз ҳам боласин «оппогим» дейди,
Бўлмадилар қўнғизчалик ҳам,
Типратикон «юмшогим» дейди боласин,
Бўлмадилар типратиконча —
Ташлаб кетдилар.
Загизонга ўхшаб кетдилар.
Эшифтганмисиз,
Бошқа қушлар инига кетишар ташлаб,
Үргина, пусиб,
Загизонлар ўз тухумларин.
Бошқа қушлар бағрига босар,
Очар, ўтирар,
Учирма қиласар
Тухумдан чиқкан бу жиш болаларни.
Загизонга ўхшайди улар,
Беимонинг ўхшайди улар,
Беимоннинг нимаси кўп?
Бахонаси кўп!
Вакт йўқ эмиш уларда гёй
Тарбиялаш учун сизларни,
Имкон йўқ эмиш...
Устига-устак,
Шахсий ҳаёт чигалликларин
Сизга қандай алоқаси бор?!

Сиз-ку, ахир, бир қалб — бегубор,
Дунёта тўқ назар билан термилган,
Улуг назар назар билан термилган.
Онанинг «жон болам» иширип,
Отанинг «бўталогим» деган сўзи — бол,
Болалар уйининг афзалликлари
Татимайди сизга тариқча.
Йўлга термилган ёмон,
Гўрга термилган — осон.
«Сен етим эмассан» қаҳрамонлари
Сиздан минг карра баҳти,
Укажонларим, сингилжонларим!..
Оғир йиллар фалсафаси бўлгани каби,
Енгил йиллар кўргилиги бор:
Енгил йиллар беланчагида
Талтайгандир ота-онангиз!..
Худбидир улар,
Кўр бўлар бир кун,
Уволингиз тутар, шубҳасиз,
Лекин сиз истамайсан —
Ота-онангизнинг кўр бўлишини.
«Кўр бўлсалар... толиб келомас... дейсиз,
Болалар уйин,
Таний олмас бизларни...» дейсиз.
Лекин мени кечиринг, улар
Кўр бўлмас экан,
Еталаатма бўлмас эканлар,
Кунлардан бир кун,
Келмайдилар сиз томон асло!
Ота-онангизни ваҳший, деган бўлардим
балки,
Фашист деган бўлардим балки,
Хароми, деб кулардим балки улардан,
Ўкситим келмас —
Шундоқ ҳам ўксиган кўнгилларингиз.
Инсон бундай бўлмаслиги шарт,
Лозим — хор килмаслиги
Ўз зурриётин
Хар қандай замонда, ҳамма маконда!..
Енгил-елли хаётни бошлаб кетдилар
Сизни ташлаб
Ота-онангиз.
Укажонлар, сингилжонларим,
Болалар уйининг етимчалари,
Ота-она меҳрига зор —
«Нолалар уйи»нинг етимчалари,
Олда дийдор бор,
Дийдор они бор!..
Бир кун учрашасиз ўшалар билан,
Ўсаллар билан —
Тушунган бўласиз у чоқ дунёни
Керагидан ортиқ, эҳтимол,

Тушунган бўласиз қалбни, имонни.
Бирингиз агроном,
Бирингиз олим,
Шоири шифкор...
Отангиздан, онангиздан ўзарсиз балки!..
Мехрға зор ўстанлар — меҳрибон бўлар,
Бир она бўлариз,
Ота бўлариз —
Ер-кўка ишонмассиз болаларингиз —
Тарбиялариз.
Ва дийдор онда
Етаклаб келацис жужуқларингиз!
Қўрсатарсиз уларга
Қийналиб ёмон
Ота-онангиз:
«Буважонинг шу» ҳам дейсизлар,
«Бу эса, бувижонинг»!
Балки у кун ор ҳам қиласиз
Бундай дейишига.
Сўроқка тутарсиз балки уларни,
Ачиқиц сўзлар билан айлагайсиз лол,
Ачинасиз ва леким кўпроқ
Ачинишга аразимаган шу одамларга!
Ва англайсиз
Улар сизни ташлаб кетган кун,
Кувонч бўлиб сиз ҳам тарк этганингиз
Уларни буткул,
Вижон бўлиб тарк этганингиз
Англайсиз буткул.
Ичкасиз ҳозирча, майли,
Оҳ чекасиз ҳозирча, майли,
Загизонлар ҳаётидан хикоя сўйлар
Тарбичилар
Ҳозирча, майли.

ХОТИМА

Узбекистон, эй Ватан — она,
Болажон юрт,
Сенга не бўлди?
Гўдакларинг бундай гирёна,
Шунча чечак нимага сўлди?..
Вижон, инсоф, оқибат, меҳр
Сендан нари кетгандек худди.
Болалари дард чеккан юртнинг
Кулфатларин бўлмас ху уди.
Балки шу сўз,
Балки шу хаёл —
Кўлга қалам олдири мени,
Келажагинг бамисли савол
Хаёлларга толдирди мени,



«Баҳор» ансамбли қизлари бухороча ракс ижро этишмояда.

Н. ШАРИПОВ суратга олган

МУҲОКАМА,
МУЛОҲАЗА,
МУНОЗАРА

ТАНИШ МАНЗАРАЛАР

Зармитанда олтин борлиги қадимдан маълум бўлган. Геология-минералогия фаннари доктори Хайрулла Раҳматуллаев шундай ёзди: «V—VI асрларга донор Хайтой солномаларида Кан (Самарқанд) вилоят ва ундан шарқроқдаги тоғларда олтиң конлари борлиги таъкидланади, бу Зармитан, Коракутон каби конларга ишодидир. Мазкур конлар хусусидаги маълумот X—XI аср араб ва эрон олимлари Абу Исҳон Истахрий ва Ҳамдуллоҳ Қазвиний асарларидаги ҳам учрайди». («Фон ва турмуш», 1989 йил, 4-сон).

Аммо асрлар мобайнинда сокинлик ҳукм сурган бу тоз этаклари асrimизнинг 60-йиллари бошида гина ларзага келди. Анирокги, академик Иброҳим Ҳамробоевни... ташаббуси билан бу ерда портлатиш ва қазиш ишлари бошлиб боририлди.

Бу ишлар бошлиб юборилгунга кадар тоз этакларига ўнлаб катта-кичик кишлопларда яшовчи ахоли асосан чорчалик билан машгул эди, шу боисдан хам бу жойларда ишчи кучи кўпку иш топиш армайхон эди. Юзларча хона-донлар тирикчилик ўтказиш кийинлигидан Жиззах, Сирдарё томонларга кўчуб кетишига мажбур бўлишарди. Кўп ҳолларда куч-жагартига тўлған ёшлар бекор юришарди. Уларнинг айримлари ўз юртларида саноат корхонаси иш бошлаганидан бошлари кўкка етиб, Зармитан конида ишлаш ниятида ўз кишлопларига кайтиб келишиди.

Бирор, киска муддат ичидаги кўпчиликнинг ҳафасали пир бўлди. Чунки конга унча кўп ишчи керак эмас экан. Устига устак махаллий ахоли малакасиз деб топилиб, етакчи кадрлар ва мутахассислар ҳамда асосий нуқтадарда ишловчилар четдан олиб келинди.

Шундай килиб, бир томонда иш бошланни кетди, иккичи томонда эса ташвиш ва муаммого пайдо бўла бошлиди. Дастлабки вазифа кон курилишини нийоясига етказиш ва уни фойдаланишга топшириш эди. Лекин иш кўнгилдаги-дек юришмади. Сабаби: қазиб олинган руда машиналарда Каттакўргонга етказилиб, у ердан Арманистонга — қайта ишлаш фабрикасига жўнатиларди. Салкам етти йил мобайнинда шу йўсинда иш юритилди. Кейин, анирокги 1980 йилда Маржонбулук олтин фабрикаси ишга туширилди тартиб ўзгарди. Энди кир ва адирликлар орасидан 83 километрлик йўл очилиб, руда юклантган машиналар Маржонбулукка катнай бошлиди.

Бирор, «Союззолото» ва «Ўзбеколтин» бирлашмалари чиқарган буйрук ишнинг белиги тенди. Бу буйруқка биноан Зармитан Маржонбулук конига кўшиб юборилди ва аста-секилини билан қарам участага айланниб колди. Нега-ки, фабрика якинидаги жойлашган Маржонбулук кони раҳбарияти

«Ўзбеколтин»нинг ҳомийлиги остида тизгинни кўлга киритиди. Бу мoddий-техника таъминоти чогида айниска билиниб колди. Зармитан курилаётган, лекин шу билан биргалиқда ҳомашёнини асосий кисмими берётган көн бўлишига қарамай иккичи даражали хисобланди.

Нихоят, шу йилнинг бошида курилиш ишлари тугалланди. Конда иш ижара пурдати асосида юритила бошланди.

Лекин, минг афуски, бу билан муаммолар барҳам топмади. Чунончи, «Кизилкум» артельда юздан зиёд ишчи бор. Ажабланарли томони шундаки, бу ерда ишчи кучи ошиб-тошиб ёттанига қарамай, артель аъзольари сафида маҳаллий ахолидан бирор киши йўқ. Ҳаммаси четдан, анирокги Россиядан жалб килинган ишчиҳизматчилар.

Биз бу артельга муҳтож эмасмиз, — дейди конинг бош иктисадчиси Ҳасан Муродов. — Ўзимизда ишчи кучи жуда кўп. Артель кетаётган маблағ иктисадий аҳволимизни тобора оғирлаштираяпти. Ахир артель ишчиларига ҳар ойда 19 минг 780 сўм, бир йилда 300 минг сўм тўлаяпмиз. Агар бу ишни маҳаллий ахолидан жалб килинган ишчилар баҳарганида эди, ҳарражат бир мунчча озарди. Колавесра, кўплаб шу атрофдаги кишлоплар ахолиси иш билан таъминланарди.

«Ўзбеколтин» ишлаб чиқариш бирлашмасининг айрим раҳбарларининг фикрига кўра, маҳаллий ахолида малака етишимас эмиш, бу оғир ишга ҳамма ҳам чидайвермасмиш. Фикр-мулоҳазаларининг саёзлигини карани!

Ахир барабир артель ишнингни бир кисмими зармитанликларнинг ўзлари бажаришаётчи! Портлатиш материаллари билан ҳам шу кон таъминлаётчи!.. Лекин саволларингиз жавобисиз колаведи.

Зармитан конида қазиш ишлари бошланганига мана салқам 20 йил бўлаяпти. Шу муддат ичидаги наҳотки, Зармитан атрофидаги кишлоплардан малака ошириш учун ўкишга талабгор 50—60 ёзчка азамат топилмаган бўлса. Бизнингча, четдан ишчи келтириш — аввалимбор, узоқни кўра олмасликдан бошча нарса эмас, иккичидан, маҳаллий ахолини камситиш-ку! Ахир, қачончага ўзбек ишчиш нощуд саналади? Қачончага унга иш ўргатишади? Наҳотки, «чаласавод»ларни ўқитиш хеч кимнинг хаёлига келмаси?

Ота-боболаримиз олтини бор юрт обод бўлади, деб айтишган. Ҳўш, Зармитандан ташиб кетиляётган олтинлар эвазига бу ерда нималар барпо килинаятади? Ҳалқ-чи? У нимага эришаётади? Шу ўринда олтин эгалари ўз бойликларининг давлат томонидан канчага баҳоланаётганини биладиларми, деган ҳаққи савол ҳам туғилади. Гапнинг пўсткаласи-

ни айтадиган бўлсак, хеч ким билмайди. Балки қимматди, балки, сув текинидир. Ҳар колда шу пайтгача на зармитанликлар, на маржонбулукликлар бу ерда ишлаб ётгидилар.

Булар масаланинг бир томони. Иккичи томони шундан иборатки, мана тўқизи йилдан бери Зармитандан казиб олиниётган руда 83 километр — Маржонбулукдаги фабрикага ташилаяпти. Бу трассада ҳар куни 45—50 та юк машинаси бўзчининг мокисидай зув катнайди. Машиналар тўртта автокорхонага қарашли, ҳайдовчилар кишида ўйлнинг сирпанчилигидан, ҳавфлилигидан, ёзда эса толикитурчи иссиқидан шикоят қилишади, ойлаб уйларига борломасликларидан нолишиади. Гап шундаки, ҳайдовчилар бу ерга ҳар кварталда бир ойдан командировка килинади.

Энг ёмони — транспорт ҳаржатининг ҳаддад зиёдлигидир. Бир кунлик ҳаржат — 6713 сўмни, бир ойлиги — 147 минг 694 сўмни, бир йиллиги эса 1 миллион 772 минг 328 сўмни ташкил киласди. Бу ахвол тўқизи йилдан бери давом этажиганини ўйласак, жуда катта маблағ — тахминан 16 миллион сўмдан ошига тулаб фарланганига амин бўламиш. Бу миллионларни саклаб қолишнинг, тежашининг иложи бормиди? Ҳа, бор эди.

— Зармитан — Маржонбулук муаммоларининг асоси ҳам шу, — дейди Маржонбулук конининг геологи Кодиржон Раҳмонов. — Бу, албатта, ишлаб топилаб ўтишадига ўзаси кўсаётади. Конлар очиляётганида айрим катталарининг гапи билан рудани кайта ишловчи фабрика Маржонбулукда курилган. Бу — нотўри! Негаши, геологлар топган қазилма бойлиги Зармитанда кўп. Агар фабрика Зармитанда курилаянида эди, ана шу миллионлар бехуда суворилмасди. Яна бир жиҳати: руда миқдори ҳам, сифати ҳам, ҳатто атрофдаги ахоли сони ҳам Зармитанда Маржонбулукдагидан бир неча баравар кўп. Зармитан атрофидаги Майинтепа, Юкорисарой, Бойтўп, Булок, Кувкалла, Кўргон, Беголи каби кишлоплар марказдан жуда чётда жойлашган. Агар бу ерда саноат ривожланса, назардан колтган кишлопларда ҳам янгича кетишади.

Шу йил 15 июль куни «Ўзбеколтин» ишлаб чиқариш бирлашмасида демократик йўл билан директор сайлови бўлиб ўтиди. Жумхуритимизнинг тоз саноатидан яхшигина ҳабардор бўлган, меҳнат фаолиятини шу соҳага бағишлаган Ҳасан Эгамбердиев энг кўп овоз олиб, бирлашмасиги янти директори лавозимига муносаб деб топилди... Орадан тўрт кун ўтгач эса Зармитан кончилари иш ташлаганликларини эълон килишиди.

— Зармитанликларнинг талаби тўғри, — дейди Ҳ. Эгамбер-

диев. — Улар беш ойдан бери иш ҳақи олишмаган. Бирлашма раҳбарлари ва мутахассислари билан у ерга бориб аҳволи ўргандик. Уч кун ичидаги масалани ҳал қилдик. Ҳозир аҳвол изга тушди, иш яхши кетаяпти. Кончилар зарур бўлганда ҳатто шағба куни ҳам ишлаб беришадиги. Иғилиг қолганинг муммалор ҳақида галирадиган бўлсак, улар жуда кўп. Босиқлик билан иш юритиш даркор. Шу пайтгача бирлашма раҳбарлари маҳаллий миллат вакилларидан таётёрлаш ишига панжа орасидан караб келишган. Биз бу аҳволни ўнглашга астойдил киришамиз.

Хизмат тақососи билан Зармитанга биринчи марта борганимда Валижон исломий бир йигит билан танишдим. У якнида уйланган, ўрта маҳсус маълумотга эга. Бемалол техникини бошқариши мумкин. Бирок Зармитанда ҳам қишилгига ҳам унга лоийик иш топилмайти.

— Ҳайронман, — деди у. — Нима қиларимни билмайдим. Кана-ка иш бўлса ҳам бажараверардим. Бекорчилик жонимга тегди. Мен-ку майли-я, бошқа ўнлаб олий маълумотилар ҳам иш ўйқигидан гоҳ у ерга, гоҳ бу ерда тўғри келган ишни қилаяптилар.

Орадан бир йил ўтиб мен Валижонни Сирдарё вилояти инг Арнасой районидаги Тимошенко номли совхозда тасодифан учратиб қолдим. Ҳол-ахвол сўрагандим:

— Э-э, — деди қўл силтаб у, — бўлмади, ўз кишилогимда иш топилмади. Мана, чўлга келиб дех-қончилик қилаяпман. Пахта ўстасириш учун шунчага илмнинг керағи ҳам йўқ экан...

Сайдазим МАРДИЕВ



— Қани сеҳргар бўлсангиз, шляпянгиздан бир кило шакар чиқариб беринг-чи!

И. Жиянов чизган расм

ЭКИНЗОР ЭТАГИДАГИ КҮЛАНКА

Айни ёз. Нозим аканинг шийпопни ёндаги улкан терак соясида ўтирибмиз. Илгарилари бу шийпоннинг гир атрофида гуж-гуж гузга ўсарди. Унинг баргини тўқдириш кезлариди аллақандай кимёвий дориворларнинг ҳиди димонгизга гупиллаб урилиб, дилингизни хира киларди. Энди эса шийпоннинг чор атрофида ёнғоқ, шафтоли, ўрк дараҳтлари ҳад ростраб, ҳосилга кирган. Сал наридаги токлар сўриларга войиш қилиб кўтаришган. Кўлларига сават, челяк туған бир тўп тенгдош, хушбичим қизлар даражатларнинг новдаларини бирмабир эгб, мева теришарди.

— Нозим ака, аввалги пахта майдонларнинг мевазорга айлантириб юборибсиз-а,— деди бригада бошлигини гапга тортидик.

— Шундай кильмасан бўлмайдида, ука. Пахтанинг оқибати касофат бўлиб чиқди-ку, ахир,— деди Нозим ака қандайдир ички куюниш билан.

— Нега унда дейсиз? Пахтадаги хизматларнинг учун кўш-кўш орденлар олган бўлсангиз...

— Тўғри айтасиз. Пахтчиликда бир йил эмас, ўн йил эмас, роппапресса ўттиз етти йил меҳнат кильдим. Пахта — фахримиз, обрайимиз, деб кеча-кундуз тиним билмадик,— деди у салмоқлаб гапидаги давом этаркан.— Хатто пахта учун ўзимизни ўтта, сувга уриб ишлаб битта... оёқдан ҳам ақралганман.

Нозим ака ясама оёғига кўз қири билан ишора қилганча маъюс тортид. Айтидан, ҳозир унинг хәлидан фалокот юз берган лаҳзалар ўтарди. Эҳтимол, ўша куни бир парча ердаги авжи паст гўзани деб районга мотоциклда бормаганида, бу баҳтисизни юз бермас эди. Ўнга «Узельхозтехника» омборидагилар: «Азоти ўйтингин теги кўриниб қолди. Тезроқ изингизга қайтиб, машина олиб келмасангиз, куруқ коласиз», дейшиди. Ўша захоти у мотоциклига ўтириди куюндаи учуб, колхозга кириб борди. Ногаҳонда правление биноси ёндагиchorраҳада аравали тракторга дуч келди. Аксига олиб шу топда ён кўчадан юқори тезлиқда «бензовоз» ҳам чиқиб қолди. У шошиб ўзини ўқотиб қўйди ва қай биринга бориб урилганини ҳам билмади. Ҳушига келиб қараса, мотоцикл ағдарилган, оёғи унинг тагида, чангга беланиб ётибди...

Эҳ-ҳе, ўшандай ҳазилакам изтироб чекдими. Район касалхонасида узок вакт ётиб қолди. Жароҳатининг қорасонга (гантрена)га айланниш ҳавфи туғилгач, жарроҳлар унинг оёғини тиззасининг пастрогидан кесишига мажбур бўлдилар. Ундан кейинги азоби айтмаймиз.

Ақ-укаларнинг кўмагидаги Тошкентга бориб, ясама оёқ ясаттириб қайтиди. Омонат оёқка аста-секин ўргангач, яна дала бошига борди,

бригадир сифатида қайтадан пахта ташвишига шерик бўлди.

— Йанглишмасам, саксон тўртингчи йилнинг кузи эди ўшанда,— Нозим ака хомуш ҳолда ўз ҳикоясини давом этириди.— Бир вақтнинг ўзида Китоб шаҳри саҳарбари Ҳарисабз районларининг колхозлари ва совхозларидан, кўзбўямачилик килдиларинг, деб бир юз эллик раҳбарни қамашди. Ўша кунлари ҳаммабек фала-ғовур бўлиб кетди. Милиция, суд, прокуратура ходимлари уймайди, хонадонма-хонадон юришиб, уларнинг ўйларини тинтуб қилинди. Биргина бизнинг Свердловномидаги ихчамгина колхоздан ҳам тўрт-беш кишини қамоққа олиши. Раисимиз Ҳуррамовнинг хўжаликни бошқарётганига ҳали икки йил ҳам тўлиб-тўлмаган эди. Кассирни ҳам, агрономни ҳам, бухгалтерни ҳам унинг билан бирга олиб кетишди. Кишлоплар, худди ўттиз еттингчи йилдагидек, етимга ўҳшаб қолди. Бизлар гарчи йил бўйи пахтанинг ичада юрсак ҳам ҳеч нарсага тушумасдик. Очигини айтганда, бригадир учун, агроном учун, қоловерса, раис учун пахтанинг кўшиб ёзишига мутлақо зарурият йўқ эди. Бундай топширик райондан, областдан ва ундан юқорироқдан бेरиларди... Иттифоқо бир йил деҳабр ойининг бошлариди колхозимизга Ўзбекистон Марказқўмининг ўша вақтдаги иккинчи котиби Греков келиб қолди. Пахта майдонининг ҳаммаси шудгор қилинганди. Шундай бўлишига қарамасдан марказдан келган ҳалиги котиб, хўжалик бўйича яна 500 тонна пахта топширасизлар, деб колхоз раҳбарларнинг оёғини бир этикка тикарди. Билмадим, бундай зўрвонлик, номақбул ҳаракат нима учун керак бўлди экан?.. Ўзимиз гувоҳлар, қама-қамада ҳўлу куруқ баравар ёнди. Қанчадан-канча айбиз сиз одамларга жиноятчи деган тамға босилди. Очигини айтсам, шу фожиавий ҳолат бошқалар қатори менинг ҳам кўнглимни пахтадан совутди. Пахтани ташлаб, бодорчилик билан шугулланишга бел боғладим. Ахир, бобокалонларимиз, «яхишидан боф қолар», деб бежиз айтишмаган. Мана кўриб турибисиз, шийлоннинг икки томони ҳам боф. Бир томонида дараҳтлар тўлиқ мевараги кирган, иккинчи томонида вошишлардаги узумлар ҳам шигил-шиғил, кўзни олади. Умуман айтганда, 4 гектар ерга ёнғоқ, 18 гектарга олма, шафтоли, ўрк экканмиз. 32 гектар майдонда эса токзор ташкил этидик. Буларнинг олди ҳосил бера бошлаганига икки йилча бўлди. Ҳар йили 10 тоннанаб шафтоли, 70 гектар жойдаги сабзавот майдонидан ўрта хисобда 300 тонна по-мидор этишитириб, давлатга сотмоқдамиз. Йил якунида 30—40 минг сўм фойда ҳам келтириялмиз. Қолган боф ва токзорларимиз ҳам

ҳосил берабошлагач, биз хўжаликка учт-турт баравар кўп фойда келтиришимиз мумкин. Бородорчилик бригадамизда атиги ўн саккиз киши ишлайди. Уларнинг ўртача иш ҳаки 150—170 сўмни ташкил этапти. Шийлонда истаган таомни, иссиқ овқатнинг ҳамма турини тайёрлаш имкониятига эгамиз. Чунки маҳсулотнинг ҳамма тури ўзимизда этишитирилади.

— Сиз кўзбўямачилик баҳонаси билан қама-қама бошланган кезларда айбдорларга кўшилиб, айбизлар ноҳақ қораланганлигини куюниб гапидингиз. Тегиши адия идоралари партия-хўкуматимизнинг кўрсатмасига биноан оқни оққа, корани қорага асраташашти. Кўпгина бегуноҳ одамлар қамоқлардан чиқариб юборилди,— дедик ҳозирдаги шаҳарига аниқлик киритиш мақсадида.

— Ҳа, шундай бўлаётганга ўхшайди. Яқинда республика газета-

ларидан бирида ўқиб қолдим. Ўзбекистон Марказқўмининг маҳсулотигилишида ҳам пахтачилик билан боғлиқ тергов-судлов ишларини тезластириб, бегуноҳларни озод қилиш ҳакида гап бўлипти. Бу— яхши иш. Эзилган, қадди букилган пахтакор дехқонга мадад керакда,— деди Нозим ака сал чехраси ёришиб.

Пахта ўрнида боф экиб, ҳамқишлоқлар оғизга ширин-шакар мева тутаётган жонкуяр дехқон Нозим ака Хидиров билан хайрлашиб, сўлим шийпондан оҳиста узоқлашиб. Лекин бариби унинг тургунлиқ давридаги ноушад раҳбарларнинг фирромлик ишлари хусусидаги таассуфли гаплари экинзор этагидаги кўланқадек кўнглимизни фаш килиб турарди.

Шомурод СИДДИҚОВ


Китоб райони.



Нозим ака Хидиров бундай йигирма саккиз йил илгари эккан оддий қаламча бугун шундай улкан теракка айланди. Ўнинг сўлим соясида бригаданинг бутун аъзолари хордиқ чиқарадилар.

Ж. Боборахматов сурати

Мұхаммад РАЖАВ



ЧОРЛОВ

Сесканиб турасан ярим тун,
Шамоллар зорланыб сүрөклар сени.
«Марҳамат, Марҳамат», шивирлар секин
Деразанг ортидан мұхаббат уни.

Хаёллар қүйніга яшириб мени
Қалтираб яшайсан тунги чорловдан.
«Марҳамат, Марҳамат», севгінинг уни
Емғир-ла зорланиб йўқлар тарновдан.

Ланг очиб деразанг қанотларини
Маъюс термуласан тунги осмонга.
«Марҳамат, Марҳамат», севгінинг уни
Юлдузлар шаклида бермас имконга.

Шамоллар, юлдузлар, гуллар — дўстларим
Ва энди сўроқлаб тинчитмас сени.
Бизни бирлашибар бу кун, гўзалим,
Тинимсиз чорловчи севгінинг уни.



ДЕҲКОН

Шудринглар турмасдан тунги уйқудан,
Елкада кетмонга ойни қўйиб дол,
Далалар қўйнига шўнгир бир инсон,
Чала қолган тушлар, хайр! Яхши қол.
Соқоли ялтираб тонгиги нурларда
Ижодин бошлийди заҳматкаш одам.
Соқолмас, бу энди йиллар кўйнида
Иягида унган пахтадир у ҳам.

УЙГОНИШ

Тўлғонди ер, оғир тўлғонди,
Бўйлик тупроқ бағрини ёриб,
Нозик-яшиш майса уйгонди.
Тўлғонди ер, енгил тўлғонди,
Новдаларнинг учиди кулиб,
Баҳор уйгонди.

Тун бўйи тўлғониб чиқди дарапар,
Тонгда топиб олди болалар
Бойчечак.
Болалар барибири бола-да,
Тарқалиб кетдилар далага.
Фақаттинга бир қиз қолди,
Айғоқчи шамоллар унсиз қолди,
Воқиф бўлайлик деб бир сирдан.
Узок турди қиз эгилиб
Ва қўзлари ёнис, бирдан
Бойчечакни ўпид олди.
Мухаббатнинг қўзи йўқ,
Мухаббатнинг сўзи қўзи,
Сирсиз қолди шамоллар,
Ишқисиз қолди ёмонлар.
О, бунча баҳтисан, Бойчечак!



* * *

Согиндингми мени, қалдирғоч,
Кел, кира қол чаппар урмасдан.
Кани, бир-бир сирларингин оч,
Қай юртлардан келдинг, толмасдан?
Одамлари баҳтиёрикана,
Мусаффоми у юрг осмони?
Қўзларингда ғамми, аламми,
Согиндингми Узбекистонни?
Бу ўлкага келган бир бора
Кетолмасдан қолар боғланни.
Хатто күёш тонг ва шом аро
Келиб кетар кўкиси доғланиб.



КУЗ

(МАНЗАРА)

Шамол қуйлар,
Хаizon ўйнар,
Иўлкалар узра.
Элас-элас чалиниб кўзга
Заргалдоқ ранг — энг сўнгига барглар
Шоҳ учиди нафис қалтирадар.
Иўл четида гоз юриш килиб,
Гердаяди қари қарғалар.



Туроб НИЕЗОВ

ТУПРОҚ ЙЎЛЛАР

Укам Икромга

Товонимни кўйдирап чўѓдай,
Тупрок йўлга сингитан нурлар.
Олов сочар күёш тўхтамай,
Пешонамдан қўйилар терлар...

Уйғонаман — кўзларимда нам,
Болалигим кириди тушга.
Юргим келар менинг жуда ҳам
Ялангоёқ бўлиб қоқ тушда...

Энди булар туюлар оразу,
Шаҳардаман — йўллар
равондир...
Тупрок йўллар чорлайди бизни,
Кимларгадир шаҳар армондир.

ХУН

Фам ўлдиролмади, ўлдирди уни —
Жаҳолат ипидан тўқилган арқон.
Кўп ўтмасдан тутди шонининг хуни,
Каттиқ силкнишдан Балж бўлди вайрон.

Ҳақиқат кўринди бор бўйи билан,
Минг бор тавба қилди жоҳил оломон...
Буюк инсонларга ким зулм қилган —
Мисли сотқинлардай топмаган омон.

СЎЗ

Сўз — гўё машина, ҳайдовчи ўзинг,
Хоҳлаган томонга бура оласан.
Салгина шамгалат бўлса қалб — кўзинг,
Бирон бир юракка уриб оласан.

* * *

Баъзиларга берма эътибор,
Майли, улар гийбат қилса ҳам.
Бу дунёда оғзи бўшлар бор:
Тутолмагай тишини маҳкам.

Кувнаб яша, очилиб яша,
Тўқиб ташла дилингда не бор.
Тоғлардаги арчадай яшнаб,
Юракларга келтиргил баҳор.

Мен биламан — сен тоза тулсан,
Ғуборлардан холи, бегона.
Сен булбулсан — агар куйласанг,
Девона — сог, соглар — девона.

Бир кун келар — ҳамма билади
Гийбатларнинг хатолигини.
Бош эгишиб таъзим қиласди,
Англашади танҳолигингни.



ЖАР БҮЙИДАГИ БОЛАЛАР

(Ўтмиш қўшиқлари туркумидан)

Егий босган яйловида улоқ чопар болалар.
Ул даланинги овогидаги кесиб ўтган эди жар.
Душман қаҳри каби жарнинг қаъри чуқур-беәб.
Ей макри ул — ёндошгани нахрига тортар асов.
(Крагимда тўлиб турган элга карасам агар,
Жар бўйида ярми юрган, ярми кулаётганлар).
Кимки гар ватансиздир одамдай яшолмас у.
Ўлимни енгтан хисдир, ватан деган кур тўйгу.
Темур отлиғ бўз ўғлон жарга хайдар отини.
Отмас, ҳалқин бўзлаган шижоат, фарёдини.
Эркин бўлган кадр каби қўкка баландлади от.
У эркингми ё хур қалбинг, уни куткардинг, хаёт.
Темур чорлар нарги ёқдан дўст, ёр-жўраларини:
— О кўксига тираф ҳайданг, хайданг тираф ҳанжарни.
Агар жарга кулар бўлса, ҳанжар ботиб ўлгай у.
Ўз умрини саклар бўлса, сизга ҳам жон бўлгай у.
Ёв қўлида ўлмоқдан, говда ўлган яхширок.
Бирок, ҳайданг, қўллайдиган турибида кўкда илох.

* * *

Ғаним сенга ўқ отар,
Ўқ-қалкони йўқ, ўглим.
Ўклар кўксингта ботар,
Конайди менинг кўнглим.

Ғаним сенга отар ўқ,
Ўқ ахтариб илжақман.
Кутулмокка йўли ўйқ..
Лекин мен ботир ҳалкман.

* * *

Тириклика йўқ малҳам.
Сен — само йўкоттан ох.
Ўзингга ишончинг ҳам
Ўзингга бўлмас паноҳ.

Кисмат ихтиёринг олар
Совуради елларга.
Жавоб излаб зоринг колар:
« Йашайманми эртага?»

ШУБХА

Ох, дунё, ҳайдарсан мени қаёкка?
Гўё бари тугаб, бари қолмокда.
Ўлаётуб ҳеч ким мендай ийғолмас,
Ийклика кетолмай, мендай ўйқолмас.
Эрким, дил эхсоним учарди баланд
Ҳеч ким ул самони этмаганди банд.
Юз йиллик закқумдан силккан мўмиё
Ўзим-ку, эй дунё, дардингта даво.
Суюб-суюни жоним интилган
Ўлдирмок бўларсан. Е котилмисан?
Бу шўрлик ҳаётни севган лахзамда,
Нечун кўркинчли ҳафф кезар теппамда?



ЭНГ БҮЙЧАН

Габриел Монжане — сайёрамиздаги энг бўйичан одам хисобланади. У Португалия пойтахти янинидаги Пасу де Аркуш киш-офидаги яшайди. Бу одамнинг бўйи 242 сантиметр бўлиб, оғирлиги 150 килограммга тенгdir. Шу кадар ўйичан, йирик одамнинг мўътадил бўй-бастга эга бўлган инсонларга назар ташлаши кийинмискин? «Ха, жуда кийин,— деб тан олади журналистларга берган баёнотида.— Кўп кишилар номим Гиннеснинг рекордлар китобига кириб қолгани туфайли мени баҳтиёр одам деб ўйлайдилар. Ваҳоланки, ҳаётимдаги муаммоларим

ҳар қандай одамнидан кўпроқдир, буда ҳаёда ҳеч ким ўйлаб кўрмайди».

Габриел бирор уйга кирганида хонанинг шифти унинг тик туршига ҳалақит берганидан ҳамиша ўтиришга ёки ётишга мажбур. Бу бояқиши бўйичан одам жамоат транспортидан фойдаланишдан ҳам маҳрум. У фекатгина эрталабки пайтлар ўзи яшайдиган уй атрофида бироз айланади. «Бирор эдайишимизнинг боиси шуки, тез орада унинг бўйчалигини томоша қиласидиганлар кўлайиб кетади.

У ишсиз юргани учун маҳсус нафақа ҳам олмайди. У асосан хайр-эхсон улашувчи ташкилотларнинг химмати хисобига яшайди.



Гайрат Қосимов, Александр Пак ва Олег Паклар машқ пайтида.



Тошкент таэквондилари ўз маҳоратларини намойиш қилмоқдалар.

А. Рискиев суратлари (ЎзТАГ)



ТИЛ, КИТОБ, САВОДХОНЛИК

Тил—онгнинг, ёзув ва китоб эса ҳар иккала сининг амалий, ҳақиқий ифодаси эканлиги азалий ҳақиқатдир. Шу жиҳатдан миллый тил ва ёзув битилган китобларни шунчак саводхонлик белгиси деб изоҳлаш, нари борса, бир ёқаламалик бўйлур эди: аслида уларни мудъян миллатга мансуб кишилар тараққиётининг асосий шартларидан бирин сифатидан баҳоламок зарур. В. И. Лениннинг миллый масалага доир назарий мероси, миллатлар ва тиллар тенг хукуқилигини таъминлаш юзасидан берган амалий маслаҳатлари ҳам шундай хулоса чиқариша давлат этади.

РКП(б)нинг X, XII созездлари миллый масала юзасидан қабул қилган ленинча қарорлар туфайли жойларда миллый тилларда ўқиш-ўқитиши ўйлайди. ВКП(б) Марказий Комитетининг «Бошлиғимч ва ўрта мактаб тўғрисидаги» 1931 йил 25 август қарорида юхаҳда шундай дейилади: «... она тида ўқитиш Совет Итифоқининг маданияти жиҳатдан энг колон бўлган халқларни қарраб олди ва у 70 тилда олиб борилимод». Шу билан бирга Марказком техникум ва олий мактаб учун фар асосларини (физика, кимё, математика, она тили, география ва б.) яхши биладиган тўла саводли кишиларни тайёрлаш масаласи қониқарсиз ҳал этилаётганлигини уқтириди.

Ўз-ўзидан равшаники, таълим-тарбия тармоғи Ватанга саводхон кишиларни етказиб бермоги учун билимнинг барча соҳаларига оид китобларга бўлган эҳтиёжини кондириш талаб этилади.

1922 йилнинг охирида Москвада Шарқий Марказий миллый нашриёт, 1924 йилда эса СССР халқлари Марказий нашриёт — «Центриздат» тузилиби, оммавий-сийесий, кишилар хўжалиги, илмий ва ўкув адабиётларни миллый тилларда чиқариш бирмунчага тартиба солинди. «Центриздат» ўз нашрларини 1924 йилда 25 тилда чоп этган бўлса, 1928 йилга келиб у 51 тилда олиб борилидиган тилларни ўйлайди.

Миллый ўқулаларда ҳам ноширлик иши социалистик негизди қайта курила бошлади. Масалан, Туркистон АССРнинг Миллый ишлар халқ комиссарилиги ҳузыридаги нашриёт бўлими ўзбек, тоҷик, кирғиз, туркман, қозоқ тилларida варақалар, рисолалар чиқаришини ўйлга қўйди.

Бироқ, минг афуски, «миллатлар отаси» И. В. Стalinнинг мамлакат раҳбариятидаги ўрдиндига дахлиса бўла боргани сари ленинча сиёсатни унтиши шунчалик шафқатсиз тут ола-верди. Мавзу доирасида шуни айтиш кифояки, 50-йилларга келиб ўқиш-ўқитиши шашарни атиг 50 тилда олиб борилидиган бўйлаб қолди, яъни йигирма йилда 20 миллат ва эзат ўз фарзандларини она тида тарбиялаш имкониятидан маҳрум бўйди. 1928—1940 йилларда алифбесини аввал лотин, сўнгра рус грефаси асосида «яратиш» оқибатидаги савод тақкор-тақкор хирадашверсан, эндилика ҳатто «тарихига, маданиятига тиши ўтмайдиган» халқлар, жумладан Урта Осиё, Қозоғистон, Озарбайжоннинг туб жойли аҳолиси ҳам генералиссимуси ва унинг гумашталараги «хокисорлик» лаънатини ёдирмоқдалар.

Миллый тилларнинг келажагига тўсқинлик, яъни уларга паст назар билан қараш, юқорида айтилганидек, 50-йилларда «юксак чўққига» кўтарилиди. «Печать СССР за 40 лет» (Москва, 1957) китоби маълумотларидаги бўнга яққол ишонч ҳосил қилиш мумкин. Агар 1956 йили мамлакатда босилган китоблар номи 1925

йилдагига нисбатан 171,2 фоиз кўпайган бўлса, русчадан бошқа тилларда чоп қилинганлари 162 фоиз ўсади. Соддароқ айтиганда, бу тилларда адабиёт чоп этиш аҳоли сонининг ўсич суръатларидан сезиларни даражада паст бўлди, кескин камайди. Республикамиз мисолида уни тагин ҳам аникроқ тарзда изоҳлаш мумкин. Уша йиля Узбекистон ССРда 1396 номда китоб босиб чиқарилган бўлса, бунинг 721 таси рус тилида, 675 таси ўзбекча, яъни она тилимиздаги адабиётлар русчадигандан 46 номга кам эди.

Сталинча бедодлик даври ўтиб кетганидан сўнг занг қошишга дожан борми, дегувчилар ҳам топилиди. Аммо шуни унтузаслик керакки, «халқлар доҳийси»нинг тутими яна узоқ ўйлар ҳукмрон бўйлаб қолди. Н. С. Хрушчев ва Л. И. Брежнев оғизда уни коралаганлари ҳолда «ягона тил»нинг ағзаллукларини «кисботлаш» мусобакасида мисливоз поғоноларга кўтарилидилар. Бунинг ҳосиласи ўлароқ яна 11 тил мактаблардан сиқиб чиқарилди ва 80-йилларга келиб, ўқиш-ўқитиши асосан 39 тилда олиб борилидиган бўлди. Шунга мувоғиф, ноширлик планлари ҳам «хижчамлаштирилди». Айтиллик, 1986 йили республикамизда чоп этилган китоблар, рисолаларнинг 44,5 фоизи, журналлар ва бошқа даврий нашрларнинг (газеталардан ташқари) 35,6 фоизи ўзбек тилида чиқди, холос («Народное хозяйство Узбекской ССР за 70 лет Советской власти», Тошкент, 1987). Ижтимоий адолат ва миллый тенгҳуқуқлик қонунларига кўра, аксина бўлиши — республика аҳолисининг 75 фоизи ўзбеклар эканлиги эътиборга олинни шарт эмасиди?

Бугунга келиб ўйлайдиган даҳшатли хатонинг (ҳам тарихий сабоқнинг) илдизларию сабабларни ахтармоқдамиш. Адолат билан ҳукм чиқарганда, бутун айни «юқорига» ағдариш билан ўзимизни юлатишимиш ҳам инсофдан эмас, ўша «юқорининг» йўталуни республикага момоқандироқ мисол қилиб етказидиган «арбоблар» кўпайб кетган эди. Ушаларнинг саъ-харакати натижасидан ўзбек тилига эҳтиёж сусайиб, русча нашрларга талаб ортаётганилиги «хар томонлами асослаб берилди». Чунончи, 1970—1979 йилларда мамлакатимиз бўйича рус каломида эркин сўзлайдиганлар (рұслардан ташқари) олдиндиган 12 фоиз органи ҳолда Узбекистон ССРда бу кўрсаткич 39,9 фоизни ташкил қилиди ва шу жиҳатдан биз ҳеч иккимонада славянларга (украинлар, белоруслар) тенглашиб қолдик, яъни қўшиб ёзишлар даврининг ўша аҳоли рўйхатидаги ўзбекларнинг яримидан кўпи русчада бемалол гаплашиши, билим олиши, ижод қилиши мумкинлиги қайд этилди. Аммо мухими сўнгига хулоса: кимки мансаб, мол-мулк, беш кунлик ишрат ниятида интернационализмни соҳта ниқоб этиб, ўз халқининг маданияти билан ўйнашган, унинг тили, урф-одатларини чеклашга ўйл оғлан бўлса, тарихига энг қора саҳифаларини эгаллади.

Муаммолар ҳали кўплаб чиқариши, партиямизнинг демократияни чуқулаштириш, ошкораликни янада кенгайтириша қаратиган сиёсати туғайлигина улар хусусида муфассал мухокама юритиш имконига эга бўлганиглигини ёддан чиқармаслигимиз жоиз. Тил, китоб ва савод масаласида тўхталаётган эканмиз, СССР Министрлар Совети органи бўйламиш «Правительственный вестник» ҳафталиги (1989 йил, 6-сон)да бо силгар рақамларини тилга олмасдан бўлмайди. Улардан англайларидаги, рус тилида ўқидигандан болалар миллый тилларда таълим оладиган тендошларига нисбатан дарслерни билан ду-

руст таъминланган. Масалан, кимё, чизмачилик, математика, биология фанлари дарслерни рус мактабларидаги 0,6—1,5 фоиз ўкувчиларга етишмаганилиги ҳолда миллый мактабларнинг 5,3—10,7 фоизи шу хил китобларга мутожж.

Рақамлар замиридаги ҳақиқатни билишга итилар эканмиз, республикамиздаги вазият янада чигаллигини тан олмасдан илож йўқ. Бир томондан, пахта якка зироатчилиги, иккинчи ёқдан, дарслар ва кўулланмалар етишмаслиги натижасидан, нари борса, еттинчи-саккизинчи синф ҳажмиде савод чиқаргандаги ўғил-қизлар техникумлар-у, олий ўқуя юртларининг талабалари бўлаверишиди. Руччани-ку кўя туринг: улар ўз налисида — ўзбек адабий тилида ярим-ёрти сўзлашадилар. Оқибатда олий мактаб орқали ҳали хўжалингига етказиб берилаетган мутахассисларимиз техникум битирувчиси даражасидан, техникум хужожатини олаётган ёшларимиз эса, хунар-тэхника билим юрти ўкувчиси савиясидан ошиб ўтолмаятилар.

Тўғри, ўрта масус са олий таълим тармогини буғунок тўласида миллый тилларга кўчирниш керак, дея шарт қўйиш бургага аччиқ қилиб кўргага тозищадек гап. Негаки, машинасозлик, электроника, транспорт каби катор соҳаларда аввало шу тилларда ўқитиладиган ва ўқита оладиган домлаларни тайёрлаш, анни чоғда дарслерни кўулланмаларни нашр этиш зарур. Узбекистон ССР ҳалқ таълим министри ўринбосарлари М. Корабоев ва М. Науменко-нинг гуваҳлик беришларича («Правда Востока» газ. 1989 йил, 7 апрель), Тошкент давлат политехника институти ўқитидиган 72 ҳил мутахассисликнинг ҳар қайсиси учун 4—5 номдаги асосий ҳамда 10—12 номдаги ихтисослашган дарслер, кўулланмалар талаб этилар экан. Муҳтасар айтиганда, бу ерда барча мутахассисларни ўзбекча ўқитишини ўйлга кўймоп учун 1008—1224 номдаги китобни шу тилга ўгириш лозим. Бирон бу умидсизлик тудғираслиги, аксинча, имкониятларни излаб кўришга унданоғи даркор. Қаловини топсанг — қор ёнар, деб бежиз айтилганлар-у. Масалан, тармоқдаги ишга нафи кам тегадиган бўлинмаларни қискартириша эвазига Ҳалқ таълими министрлигининг ўзиди лаёқатли мухаррирлар, малакали таржимонлар гурухини тузиш асло қийинчилек тудғирмайди.

Техника фанларига оид китобларни миллый тилларда кўплаб чиқариши ўнғайсизликлари ҳам бор, албатта. Бирон юзлаб чизма, минглаб ҳар хил формула ва тенгламаларни ўз ичига оладиган, оддий матнлик ижтимоий-сийесий адабиётни етарли даражада чоп этиши нима ҳалал беради? Шу ўринда яна бир тарихий хужжатта назар ташлайлик. Партиямиз Марказий Комитети «Наширёт иши тўғрисидаги» қарори билан Маркс, Энгельс, Лениннинг асосий асрарларни миллый тилларда нашр қилишини ўйлга қўйиш керак, деб вазифа белгилаганига 58 йил тўлаяти. Ҳуш, ушбу банддан келиб чиқадиган ишлар қай тарзда бажарилди? В. И. Ленин тўла асрарлар тўплами 55 томга жамалаб чиқарилганларнинг ёҳамиятини сўз билан ифодалаб бўлмайди. У она тилимизнинг имкониятлари нақадар кенглигига, буюклигига ёрқин исбот ҳамид. Лекин К. Маркс ва Ф. Энгельсдан ёч бўлмаса ҳаммабон 9 томни (12 китобни) ўзбекчада чиқариши жадид киришилаётганлиги кишини ажаблантиради.

Ижтимоий фанларни, жумладан КПСС тариихини ўрганишдаги ҳангомалар ҳозир ёч кимга

сир эмас. Яхшияким, «ВКП(б) тарихи қисқаңа курсы» андозасида қоралаб ташланган «илмий асарларни қироат қылавериш оқибатида ман-күргат айланышимизга бир баҳа қолганимизда вакъти матбуот жоннимизга оро кирди. Аммо тарихимиздаги «қора доғлар»ны оқартувчи янги материалларнинг деярли ҳаммаси ҳали рус тилида. Шундай экан, нашриётларимиз топшириқ кутиш тарки одатидан узил-кесли кутилишлари, Москва, Ленинграддаги ҳаммасбларидан ўтрак олишлари лозим. «Высшая школа» салқам 37 босма тобоқли — «Учать уроки истории», «Лениздат» «Страницы истории»ни ва бошқаларни матбуот материаллари асосида түйлаб чиқара алди-ку.

Республикамиз ноширлик ишида ижтимойи, иқтисодий, сиёсий мавзудаги илмий ёки бадий публицистика намуналарини китобхонларга яхлит ҳолида етказиб беришга эътибор суст, десак фурт ёлғон бўлади. «Ўзбекистон» нашриёт фақат ўтган йилнинг ўзида долзарб масалаларни қамраб олган бир қанча тўплам,

жумладан, «Обновление», «За социальную справедливость», «Первые шаги» каби китобларни етакчи газеталаримизнинг материаллари асосида чоп этиди. Лекин сарлавҳалардан пайқаб олдингизки, улар ҳам рус тилида бўлганилиги учун китоб магазинлари жавонларидан харидор пойлашга маҳкум. «Меҳнат» нашриёти 1987 йили «Уроки хлопкового поля» китобини чиқраётганида қайси тоифадаги ўқувчиларга мўлжаллалаганини билish айниқса муҳимдир. Дарҳақиқат, у кимга атаглан: пахта якказироатчиликни тутагиши йўлларини излаётган дехқонларимизами, қишлоқ хўжалиги ўку юртларининг талабаларигами ёки... шунчаки ҳисобот учунми?

Қисқаси, умумий саводхонликни ошириш вазифаси, биринчидан, Ўзбекистон ССР Халқ таълими министрлиги ҳамда нашриёт, матбаа ва китоб савдоши ишлари давлат комитети раҳбарларининг эҳтиёжларини қалбан тушишнишларни, иккинчидан, муаллифликка лаёкатли зиёлилар ва илмий идрорка қурби

етадиган ноширларнинг мустаҳкам ҳамкорлигини тақозо этади. «Ўзбек тили» программасида бу ҳол алоҳида акс этирилиши, айни чоқда бошқа тиллардан ўзбекчага таржима қиливчи моддий-маънавий жиҳатдан асло камситилмаслиги, Нашриёт, матбаа ва китоб савдоши давлат комитети тасарруфида уларнинг муаммолари, режалари билан мунтазам қизиқиб борадиган бўлинма очилиши зарур. Бунда хәёлйи важ-карсонларга эмас, балки реалитика асосланниш ва ўғил-қизларимиз аввало она тилига меҳр кўйсаларгина рус тилининг, билиминг, социалистик қадриятларимизнинг бебаҳолигини тушуниб этишларини унутмаслигимиз ҳам қарз, ҳам фарз.

Нарзулла АҲМЕДОВ,

Алишер Навоий номидаги СамДу доценти,
тарих фанлари номодзи.

Абдураҳим УБАЙДУЛЛАЕВ,
СамДУ ўқитувчи



ТРАМВАЙГА «ХУЖУМ»

Бу фавқулодда ҳодиса, хайриятки, талофатсиз кечди. Сабаби шундаки, трамвай хайдовчиси Лариса Лукина юзага келган вазиятда кўлланмага қатъий риоя этиди.

...Ўша куни Ульяновскада жала кўйди, кучли момакалдирикли булутлар аро чакмоқлар ялтиллади. Лариса Лукина бошқараётган ўнинчи маршрутдаги трамвай айниқса йўловчилар билан тиранд эди. «Винновская роша» бекатига етар-етмас Лариса «ток йўқолганини сизди. У тезлик билан трамвайнин тўхтатиб, йўловчилардан дарҳол вагонларни бўшатишин талаб қилди. Нима бўлганини билиш учун ўнинг ўзи ҳам трамвайдан тушди. Шу пайт у ғалати нарсанни кўрди: биринчи вагон қўш гидираги оралигига кўзни кўр қиласидиган дарражада нур таралди ва темирнинг қарсилаган овози эшигитди. Вагон худди автолен билан қирқандех бўйниб тушди. Трамвай бир лаҳзада бамисоли учкундай портпиди.

— Мен жуда кўркиб кетдим, — деб эслайди Лариса кейинроқ...

У ўша заҳоти иккичи вағона қараб иғоруди.

— У ерга бориб нима қилярдинг? — сўрашиб сўнгра ундан.

— У ерда одамлар бор деб ўйлабман. Бахтимизга улар аллақаён тушиб ултурган эканлар...

Мэлбум бўйишича, трамвайга коптоқсимон яшин «хужум» килган экан. Камёб, аммо чақирилмаган ёвуз меҳмон шу тариқа хотира қолдириди.



Беруний номидаги шарқшунослик институтининг тадқиқотчиси Жамила Иўлдошева Алишер Навоий «Девони»ни ўрганмоқда.

А. Горокрик сурати (ЎзТАГ)

КИМЁВИЙ ОФАТ ХУРУЖИ

Захарли кимёвий маҳсулотларнинг қишлоқ ҳўжалигига тобора кўплаб қўллашилаётганилиги тифуфлий. Бразилиядада бу «улкан тропик улка»нинг наимчил ўрмонларидаги ноёб ҳайвонот дунёси-

нинг завол топиши ҳавфи туғилёттир.

Ҳалокатли кимёвий маҳсулотларнинг тасъири айниқса ҳам қуруқлиқда, ҳам сувда яшовчи жоноворлар бақа ва қурбақаларда кўпроқ сезилмоқда. Бразилиядада уларнинг тури аслида жуда ҳам бисёр: бир граммликдан тортиб уч килограммлик

бақалар ҳам бор. Улар орасида унча катта бўлмаган күшларни учиб ўтайдан отилиб чиқиб тутиб ейдиган бақалар ҳам учрайди. Ҳатто шундай заҳарли бақалар мавжуди, жонлини бежон қилиши учун уларнинг заҳор солиши ҳам шарт эмас. Айтайлик, инсон танасига заҳарли нағасининг та-

гиши кифоя, шу заҳоти у одам сезмай қотади. Бинонин, якнида бразилиялик олим — колибри (Америкада яшайдиган рангдор митти күшча) бўйича жаҳондаги паррандажуносларнинг етакчи мутахассисларидан бирни мутахассисларидан бирни худди шу тарзда ҳалок бўлди.

ЭЪЗОЗЛИ ИНСОН

Шаҳло отаси Хурсанд илтимосига кўра югуриб ичкариги хонага кирди ва дуторни олиб чиқиб, отасига тутқазди. Хонада ёқимли кўй, кейин эса кўшик таралди...

Кўшик Қирғиз Эсонованинг нозик туйғуларини ҳаракатта кеттириди. У хомум тортиди. Беихтиёр босиб ўтган йўлига хаёлан назар ташлади. Воқеалар, одамлар... Биро қувонч бағишиласа, бошқаси ҳажонига солади сабаки олиб чиқиб, азоб беради. Шифокор учун кўриб-билиган, дардига дармон қидириб келган беморнинг ётётдан кўз юмушидан оғир армон йўқ. Ҳозир шундай нохуш ҳолат унинг хаёлидан кечарди. Ўша баҳтсизнинг қиёфаси, боқишилар шундуконига кўзининг олдида турсада, гаплари қулогининг тагига жарангасада, исми-шарифини эслай олмасди. Унинг соғайиб кетиши учун кўп курашди. Ҳатто бир марта ўлим ҳавфидан қутқариб ҳам қолди. Лекин ўдам танишиларга даврасида энди йўқ...

У Самарқанд районидаги «Партия XXV съездига совхоз-заводининг директори Раҳматилло Сайдазарови эди. У бир куни поликлиникага келиб, юраги бироз безовта қилаётганини айтди. Қирғиз Эсоновна кардиограмма қилдиришини буорди-да, олдинги чақириб бўйича қандайдир оғир беморнинг уйига жўнади. Кайтиб келиб, Сайдазаровни сурishiштириди. У кетган эди. Қасаллик варажсанни олиб қараса, кардиолог «юрак инфарктни» деб ёзибди. Қирғиз Эсонованинг ороми бузилди, бевозталанди.

— Ўзини огоҳлантирдингларми?! — сўради ҳамширадан.

— Йўқ...

Қирғиз Эсоновна ташқарига шошилди. Уни бемор кўришга элтган машина поликлиника ҳовлисида туради. Коровул хонасида ўтирган шоғерни чақириб, машинага чиқди-да:

— Укажон, тез ҳайданг! — деди.

— Қаёққа, Қирғиз ола!

— Адас қишлоғига.

— Эҳ-хе-е! Иш куни тугаятпти-ку!

— Тугаса нима қиласиз? Бормасак бўлмайди. Ҳайдасангиз-чи!

— Ҳеч тиним билмайсиз-да, — дед ҳайдовчи оғришиб машинани юргизди.

Қирғиз Эсонованинг эса бутун ўй-хаёли қиммиламасдан ётиши шарт бўлатириб, бемалол юрган беморда эди. «Ҳали уйига эсономон етиб бордими-йўқми?.. Шошилиш керак, шошилиш керак!..» деб ўйларди у. Нихоят Адасга етиб бориб, беморнинг уйини топишди. Уйини топишиди-ю, унинг ўзини топишшолмади. Тўйга кетганингизни айтишиди.

— Тўйга?! — деди Қирғиз Эсоновна хавотирланбди.

Қўнглидан жуда хунук фикрлар ўтган бўлса-да, ўйдагиларга ҳеч нарса демасдан, тўйхона қаёвда эканини аниқлаб, яна машинага чиқди. Қовоғи осилган ҳайдовчини яна қистади. У Қирғиз Эсоновнага бир ўқрайиб қарашди-да, йўлга тушди.

Тўйхонага етиб бориб, директорни чақириб чиқишиларни илтимос қилди.

— Э-э, сизни қандай шамол учирди? — деди ичкаридан жилмайиб чиқсан бемор. — Қани, марҳамат.

Қирғиз Эсоновна узр сўраб, уни олиб кетиши учун келганинги чиқиб, қайта кардиограмма қилини лозимлигини айтди.

— Тўйни ташлаб кетсан, яхши бўлмайди-да, дўхтири. Бўёғини ўзингиз тушунасиз, элчилик.

Қирғиз Эсоновна уни алдаб-сулдаб кўндириди. Машинага ўтказиб, вилоят кардиология шифохонасига олиб борди. Кардиограмма қилувчилар ишларини тамомлаб энди кетмоқчи бўлиб туршишган экан.

— Бугун кеч бўлди. Эртага келсинлар, — дейишиди.

— Эртагача қолдириш мумкин бўлганида ҳозир келмасдик, — деди Қирғиз Эсоновна. — Ҳозир қилиш шарт!..

Хуласа, Қирғиз Эсонованинг қистови билан беморни маҳсус хонага олиб киришди, тегишили механизмлар ишлатилди.

— Юракнинг ҳолати яхши эмас, — деди кардиограммани қўздан кечирган врач маъюс тортиби.

Беморнинг бирдан кайфият бузилди. У қўзларни жовдиратиб Қирғиз Эсоновнага қарди. Қирғиз Эсоновна беморга тасалли берди ва уни шифохонада ётишига кўндириди. Узи эса уйига қайтар экан, миёсида юз хил ўй-хаёл зарҳарди...

Бир сўз билан одамнинг дилини тилка-пора қилиш ёхуд бир сўз билан унинг елкасидан оғир юкни олиб ташлаш, дарднинг енгиллаштириш мумкин. Қирғиз Эсоновна беморлар билан мулоқот чоғида ана шу мулоҳазага қатъий амал қиласди, дардмандлар билан тез тил топади. Уларга дастлаб руҳий кайфият бағишлайди. У хизмат кўрсатадиган жойда бир минг беш нафар киши яшайди. Қарийб юз нафари жумҳурят аҳамиятидаги шахсий пенсионер. Қирғиз Эсоновна аввало ҳаммани ҳар или тиббий кўрикдан ўтказиш ҳаракатида бўлади. Кўп хасталанадиган кексалар эса доимо унинг назоратида. Ҳар куни ўнлаб беморларни қабул қиласди, қанча-қанчаларни ўйларига бориб кўради.

«Қўли ҳам эм, сўзи ҳам эм шифокорлар ҳақида гап очилса, дарров Қирғиз Эсоновнани эслайман. У оиласимиз аъзолари учун ёзозли инсон. Унга шарқасидаги бошқа кишилар қатори бизни ҳам вақти-вақти билан йўқлаб турди. Айниқса, фарзандаримиз соғлигини муттасил назорат қилиб боради. У самимий, диллаш, меҳрибон инсон. Ҳар бир шифокор унга ўҳашинни, ўзида ундиғи фазилатларни мужассамлаштиришини истар эдим...» Бу фикрларни Қирғиз Эсоновнага биркитилган 4-участка-да яшовчи Л. Мансурова «Истак ва мулоҳазалар» дафтарига ёзиб қолдирган. «Умрим давомида кўп шифокорларни кўрганман, — деб ёзди мулоҳазалар дафтарига Улуғ Ватан уруши инвалид, истеҳодаги биринчи ранг капитани Михаил Байсак. — Лекин Қирғиз Эсоновна бошқача. У ҳар газ вазиятимни енгиллаштиришга, фронтдан қолган «мерос» ту-



Шифокор Қирғизхон Эсонова.

А. Харитонов сурати

файли чекаётган азобларимни камайтиришга ҳаракат қиласди. Сизни менга тақдирининг ўзи рўбарўт эти. Ахир, узоқ йиллар қўйнаб келган дардларимни тўғри аниқлабгина қолмай, менинг улардан холос қидингиз. Бу яхшилларигизни ҳеч ҳам унтултмайман!»

Ундан жумҳурят аҳамиятидаги шахсий пенсионерлар Ч. Наимов, С. Вожидий, Н. А. Карабанова, А. Кемерова, Е. М. Тойб, П. К. Панин ва бошжалар жуда-жуда миннатдрор.

Қирғиз Эсонованинг янада бир ажойиб фазилатларидан бири шуки, у ҳар қандай одам билан жуда тез тил топишни кетади. Узглар кувонини уни қанчалик шод этса, кимнингдир ғам-қайғуси шунчалик изтиробга солади. Қирғиз Эсоновна ҳар бир хонадонга тамасиз ис-так билан киради. Бурчига содик шифокор сифатида дардмандга даво топиш ниятида доим елиб-юргари.

Исо АБДУРАҲМОНОВ

Самарқанд

кин ҳозирча уларнинг аргига кулок соладиган мард топилмайтири.

Бизнинг фикримиза, Зарафшон бўйлаб мўълабар комиссия рейд ўтказишни, ҳақиқий ахволни батафсил ўрганиши керак. Агар бу иш ўз вақтида ўтказилмас экан, Зарафшон шаҳри Орол денгизи каби тузатиб бўлмас фожнамис бўлиб қолади.

Садриддин ТУРОПОВ

Ургут

«Зарафшонми, Зарафшонлашали маколани ўқиб, қаттиқ таъсирландим. Маколада жуда долзарబ муаммо ҳақиқий кўтириб чиқилган. Биз ҳам Зарафшон бўйида яшаймиз. Биздан 30 чақирим юқорида, янын Ленинобод вилоятининг Панжакент районидаги Зарафшон тўлиқ шаклланади. Бу жойда Зарафшонга унинг охиригига ирмоғи Магиён дарёси кўшилади. Шу дарёнинг юқори қисмида эса, Тоҷикистон

ССРга қарашли улкан төғ-металлургия комбинати жойлашган.

Комбинатдан чиқадиган зарарли чиқитлар тўғридан-тўғри дарёга ташланашаётган. Ундан кўйинда жойлашган қишлоқлар шу ифлос сувдан ичигаша мажбур. Оқибатда кўпгина кишилар кишиларда, аҳоли ёлласиға сарик касалига чалинаётир. Дарё сувининг ранги ҳам турли чиқитларнинг таъсирида тез-тез ўзгариб туради. Қишлоқ аҳолиси жуда кўп жойларга мурожаат қилишиди. Лен-

**Редакция
почтасидан**

**ДАРЕ МАДАД
КУТАДИ**

Мен севимли журналишимиз «Гулистон»нинг май ойи сонида эълон

КУЛГИ ДАРГАЛАРИДАН БИРИ

Дадаон НУРИЙ, Ойбек мукофоти лауреати

Айтишларича, чин юракдан астыдил култган одамнинг умри бир йилга узаярмиш. Яна, дейдиларки, эл орасида шод-хуррамлик улашиб юрувчи санъаткор инсон қалбига малҳам қўювчи шифокор ҳамдир. Бу соҳада ўзимизнинг эл орасида ном қозонган ардоқли кули даргаларимизбор: Юсуфжон Кизикдан тортиб Раҳим Пирмуҳамедов, Гани Аъзамов, Наби Раҳимовларни ким билмайди дейсиз. Эргаш Каримов, марҳум Ҳасан Иўлодашев, Ҳуссан Шарипов, Хайрулла Саъдиев...

Мана шу кули даргалари ичи-

да қўшиқчи, режисср, таникли театр ва кино артисти Бахтиёр Ихтиёров алоҳида ўринни эгаллади. Дарҳақиқат, бу ном эл оғзига тушганида «ойна жаҳон» эндигина пайдо бўлган эди...

Олтмишинчи йиллардаги бир воқеани яхши эслаймиз: айни ёз, пишичилки палласи эди. Намангандаги китоб дўкони сотувчиши оғзи кулогидаги кириб келди:

— Оббо азаматлар-еъ, артиста, артист! Ҳозир шу ердан ўтиб кетишида олдинда Сойиб Ҳўжаев, ёлларida бир қоп маккажӯхори сўтасини орқалаб Бахтиёр Ихтиёров кеттути! Чойхонада мак-

кахўрлик қилишармиш. Ана, оломонни бошлаб кетиштути.

Дўкончининг бу гапидан сўнг ичкаридан ўн чогли одам ҳам ўзини ташқарига урди. Ҳақиқатан бозор дарвозаси томон «оқиб» бораётган сон-саноқсиз «текин томоша» ишқивозлари ичиди таниклар иккиси санъаткор кўзга ташланар, уларнинг атрофдагиларга қараб айтаётган гаплари гур-гур кулагига сабаб бўларди.

Бир куни Бахтиёр акага ўша маккажӯхори воқеасини эслатиб, қўйидаги жавобни олгандим:

— У ёгини сўрасангиз, устоз фармони шогирд учун — қонун!

Сойиб ота улгуржи савдодан кўра кўтарасини яхши кўрадилар... Бозордаги дехон у кишининг мухлиси экан, арзимас пулга бир қоп маккажӯхорини елкагма орқалатиб юборганди... Ўшанда кун бўйи гўзапоя ёқиб, макка пиширганиман. Қўрга қўмилган жўхори кабони устоз яхши кўрадилар.

Ҳа, Бахтиёр Ихтиёров номининг эл оғзига тушишига унинг турғма истеъодида ба оиласи музхит катта роль ўйнади.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, ўзбек мусика санъатининг таникли намояндаларидан бири Аҳмад Ихтиёров оиласи доим жумхурятнинг бўлгуси санъаткорлари Дони Зокиров, Иброҳим Ҳамроев, Эргаш Шукруллаев, Сайд Алиевлар билан гавзум бўлар, Бахтиёр ҳам улар орасида кенжек «шогирд» сифатида тарбия топарди.

Ўша пайтлар Садриддин Айнинномли Бухоро музикали драма ва комедия театри «Азиз ва Санам» музикали драмасини саҳнадаптиришга тайёргарлик кўрар, оммавий саҳнага ҳаваскорларни жалб этиш мақсадида кўрик эълон қилган эди. Ота ёшгина Бахтиёрни театртра бошлаб борди. Шу сабаб бўлди-ю. Бахтиёр театр саҳнасига илк қадам қўйди. Ўн уч ёшли ҳаваскор «артист» ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотиб кўрган, ёши бир жига бориб қолган қария образини шундай койилмакон қилиб ижро этдики, ю таърихни кўнголдирди. Ҳатто баъзилар ҳазиллашиб: «Бу бола бизнинг нонимизни ўримта қиласданга ўхшайди», дейишарди ҳам.


Орадан уч йил ўтгач «Фарҳод ва Ширин» спектаклини саҳнадаптиришга кириштан бош режисср Бахтиёрга донишманд қария ролини илониб топшириди.

— Бу мен учун жиддий синов эди. Машгулотга боришдан аввал атрофимиздаги таниш-билини қариларнинг юриш-туршиларини, ўзаро сұхбатларини зимдан кузатар, ҳатто уларга тақлид қилиб, юрган йўлимда ҳам мункиллаб қадам босардим... Бир куни чап оёғи оқсоқроқ, ҳар жумла сўзини хўротига ўхшаб «қичқириб» гапирадиган маҳалладаги дўкон коровули «қиёфаси»га кириб кетаёт-сан, иккичу қиши кўриб қолибди. Эртасига дув-дун гап бўлиб кетди. Ҳатто ўша қоровул чол дадамга арз-дод қилмоқчи бўлган, — деб эслайди Бахтиёр Ихтиёров ўзининг саҳнага қўйган иккичи қадами хусусида.

Ҳақиқатан, ўша пайтларда машхур бўлган, ҳалқ севиб томоша қиласдиган «Фарҳод ва Ширин» спектаклини Бухоро театрида катта муваффақият қозонишида ёш санъаткорнинг маълум даражада хиссаси бор эди.

— Аввалига бу роль Бахтиёр учун оғирлил килса керак, деб чўчигандик. Лекин у саҳнага чиққанда қария образини шундай берилиб ўйнадики, ҳатто уни танийлмаған колдик. Тасаввуримизда Бахтиёр олтмиш ўшларга «қаріб» қолгандай туюларди,— деб эсларди таникли бастакор Дони Зокиров.

Бахтиёр Ихтиёров 1958 йили
(Давоми 29-бетда)



МЕХРИБОН

ГИЁХЛАР



Муқамбар аяниг уйига ташриф буюрган шифокор жувон беморнинг ҳолатини текшириб кўриб, ҳайрон бўлди:

— Танангида қанд миқдори мўътадилларни қолибди-ку,— деди у мамнунлик билан.— Бугунча сизга инсулиндан қилинадиган уколни тўхтатамен... Айтинг-чи, қанақа дори-дармон қабул қилдингиз? Қанд миқдорини қайси йўл билан камайтиргандигиз?

— Гиёхлардан тайёрланган ғалаби бир шарбат бор экан,— деди яхши гапдан дили ёршиган Муқамбар ая.— Барака топкур қизларим ўша шарбатдан келтириб беришяпти. Бир-инки ҳафтадан бери ичиб турибман. Узимга ҳам билимнаятли, жуда енгил тортиб қолдим.

— Номи нима экан?

— Йанглишмасам, номи «Арфа-зетин».

— Э-ҳа, саккизинчи дорихона қошидаги фитобардан келтираётган бўлсларининг керак?

— Анигини билмайман, айланай,— деди Муқамбар ая.— Кизларим, «Ганга» магазинига яқин жойда, дейишади.

— Худди ўша — мен айтган жойда экан,— деди шифокор жувон.— Номи ўзбекчада тушунарсизроқ. Аслида сипойроқ қилиб «Гиёхшарбат» деб аташса ҳам бўларди... Ҳар қалай, аяжон, ўша дорихонадагилар жудаям савобли ишга кўл урганлар. Ҳабарим бор, у ерда худа кўп ҳил касалликларни даволайдиган дори-дармонлар тайёрланяпти. Гиёхларда ҳикмат кўп-да... Соғайганинг чин бўлсин, аяжон. Мен яна хабар оламан...

• • •

Тошкентда гиёхлардан ичимлик дори-дармон тайёрлашнинг ташкилотчиси, таниқли доришунос, шахардаги 8-дорихонанинг мудири Эркин Назарович Жўраев шундай хикояни килиади:

— Беморларни гиёх дорилар билан шифолаш юртимиздан қадимдан маълум ва машҳурдир. Улуғ табиб, табаррук аждодимиз Абу Али ибн Сино китобларини варақласангиз, юзлаб доривор ўтлар ва ўсимлик меваляри, барглари, илдизлари хусусида сўз юртанини кўрасиз. Аммо сўнгги асрларда саноат ийли билан кимёвий дорилар тайёрлаш жуда ривожланниб кетди. Кимёвий дориларни бутунлай инкор этиб бўлмайди, унақа ниятим ҳам ийк. Чунончи, бизнинг дорихонамизда ҳам кимёвий дорилар ҳамма жойдагидек бемалол тарқатилмоқда. Аммо, битта ҳақиқат шуки, кимёвий дориларни кўп-

лаб истеъмол этиш аллергия, эшак еми, ҳар ҳил тошмалар, қимималар сингари асоратлар қолдиради баъзан. Ҳатто битта аззога фойда берган дорининг бошса бир аъзони ишдан чиқариб қўшини ҳоллари ҳам кузатилган. Гиёхлардан тайёрланган дориларда эса, бундай асотатлар бўлмайди.

Фитобат, яъни гиёхшарбат ташкил этишимизнинг яна бир сабаби ва мақсади шуки, мамлакатимиз бўйича чиқарилётган дори-дармонлар аҳоли талабининг бор-йўғи 45 фоизини қондиради. Бунга чет элдан олтин ҳисобига олинидиган 20—22 фоиз дори-дармонни қўшганимизда ҳам, умумий талаб салкам 70 фоизга қондирилади. Шундай бўлгандан кейин ҳамюрларни миз талабини қондириш йўлида қўлимиздан келдиган ишларни қилишимиз керак эмасми? Қасбимиз доришунос бўлгандан кейин ҳалкимиз саломатлиги учун нималардир қилиш бизнинг ҳам бурчимиш-да.

Жумҳуриятимиз — гиёхларга бой ўлка. Афуски, шундай кимматбахо бойлийдан фойдаланишига эътибор жуда кам десам ишонаверинг. 80-йилларгача доривор гиёхларга ихтисослашган уча совхоз (Тузелда «Лесраспромхоз», Бўстонлида «Правда» газетаси 50 ийлигига, Попда Ибни Сино номидаги ҳўжалик) тузилган. Демак, доривор ўсимликлар кўпайган, ресурси ва имкониятлар катта. Бошқа жумҳуриятларда бунақа имконият ўйқ. Таассуфки, улардан олинидиган доривор гиёхлар миқдори 100 тоннага ҳам етмайди. Бизнинг бошлаган ишимиш — гиёхлардан шарбат тайёрлаб, беморларга, мижозларга тарқатишмизнинг ана шу борадаги ҳаракат деб билмоқ керак.

Қисқаси, етти ой тайёрларликдан сўнг, ўтган ийли ноябрда гиёхлардан тайёрланган шарбатларни мижозларга тарқата бошладик. Ҳозир бизда салкам 50 ҳил касаллик бўйича дори-дармон тайёрланниб тарқатилмоқда. Чунончи, қанд касаллиги, юраги оғриги, қон босими, ошқозон-ичак, бод касалликлари бўйича даволанётган мижозларимиз биздан мамнун бўлмоқдади.

Жонқуяр доришунос Эркин Жўраевнинг меҳнати фаолияти жуда кичик ҳодимликдан бошланган. Даастлаб, Йўлдош Охунбоево номидаги Тошкент медицина билим юртининг доришуносини бўлнимини 1956 ийли битирраб, Иштиҳондаги дорихонада дори тайёрловчи бўлиб ишлаган. Беш-олти йил даво-

мидя дорихона мудирлигигача кўтарилиган. 1962 ийли Тошкентга қайтиб, шаҳардаги 14-дорихонани бошқарган, 1964 ийли жумҳурият дорихоналар бош бошқармасига бошлиқ этиб тайинланган. 1971 ийли гиёхлардан тайёрларган илмий иши бўйича фармацевтика фанлари номоди унвонига эга бўлган, ўндан ортиқ монография, рисола ва маълумотномалар нашр эттирган...

Турғунлик йилларининг кўланкаси бу одамнинг фаолиятига ҳам бироз соя ташлаб ўтди. 1979 ийли жумҳурият Соглини сақлаш министригидаги айрим аконаларнинг яқинларига жой керак бўлгани сабаби Э. Жўраев ўз визасидан кетди. Бир неча йил давомида Тошкент Фармацевтика институтида проректор, Урта Осиё темир ўйли дарохоналар бошқармасида бошлик бўлбик ишлади. 1983 йилдан бошлаб худди мана шу 8-дорихонада мудирлигига килиётир. Бир нарсанти таъкидлаш лозим: 1979 йилдан сўнг жумҳурият доришунос лигига дэврли силиж ўз бермади. Ваҳоланки, Эркин Назарович номидаги бу соҳадаги 16 йиллик раҳбарлик фаолияти давомида жумҳуриятимизда 800 таддии кўпроқ янги дарохоналар очилган, 8 та янги дарохона омборлари қурилган, мол обороғи 3 марта ошган, камомад ва ўтирик 23 марта камайган эди...

Гиёхшарбат (фитобар)даги «Шикоят ва таклифлар дафтари»га кўз югутирамиз...

«Мен ўз сўзимиз миннатдорчилик билдиришдан бошламоқчилик,— дея кўнглидаги гапни изкор этиди кекса педагог Раҳматулла Мұхсимов.— Чунки бу шифонондориҳона ходимлари ўзларининг ширинсухан мумомаллари билан, яхши маслаҳатлари билан мижозлар кўнглини кўтаришади. Мен бу ерга февраль ойидан бери қатнайман. Олти йилдан бери юқори кислотали ошқозон-ичак касаллиги ва холестицит касаллигига мубтало эдим. Мана энди гиёхлардан тайёрланган бебаҳо шарбатларни ичбидаволандим ва даволанмоқдам...

Тошкент вилояти Оржоникидзе ноҳиясидаги Чинобод қишлоқ Советидан Жўрабой Йўлдошев шундай деб ёзди: «Мен 10—15 йилдан бери оёқ оғриби касаллигига дучор эдим. Гапнинг очиғи, кўпдан кўп шифокорларга ўзимни кўрсатиб, шифо кўрмагандим. Бир куни «Тошкент ҳақиқати» газетасидан

фитобар (гиёхшарбат) ташкил этилганини ўқиб, адрес билан келдим. Бир ярим ой давомида белгиланган шарбатдан ичбид, шу даражада тузалдимки, ҳозир сопа-согман десам булади. Ушбу ёзувим орқали Муҳабатхон Мирзаевага, Шоҳидон Муртовага, Севарон Шомирзиевага, Эркинсон Жўраевга миннатдорчилик билдиримизман. Улар ҳамиши sog-саломат, ҳаётда баҳти бўлсинлар».

«Кизим Зулхумор иккalamиз мана шу гиёхлардан тайёрланган қўйнатмадан ҳар куни бир маҳалдан ичбид, дардимизга шифо топдик,— деб ҳурсандчилигини баён этиди Тошкент шаҳар Матлубот кўчасида турувчи Мамлакат Шокирова.— Ўтган муддат ичада мен 6 кило, кизим 11 кило ориклидак. Энди ўзимизни жуда ёнгил ҳис эта-ялмиз. Шундай дори-дармонларни ўйлаб топганларга, тайёрларнагарга минг раҳмат! Уларнинг ўзлари ҳам sog-саломат бўлсинлар».

«Шикоят ва таклифлар дафтари»даги миннатдорчилик ёзувлари жўғрофиясига назар ташласангиз, Тошкент шаҳри ва унинг атрофидағи мавзелардан ташкари жумҳуриятимизнинг Фарғона, Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё сингари вилояtlарини, шунингдек «Чимкент», «Уқраина» сўзларини ўқийсиз.


• • •

Олий категорияли доришунос, СССР соғиличи сақлаш аълочиси Эркин Жўраев билан сўхбатимиз давом этиди. У киши худди шу сингари гиёхшарбат тайёрлайдиган дарохоналар кўялятганини, чунончи Андижон, Бухоро, Қашқадарё, Наманган вилоятларидан шундай маконлар ҳалқ саломатлиги йўлида ишлаб турганини мамнуният билан айтди, иложи бўлса бу ишни ноҳиялардаги дарохоналарда ҳам ташкил этиш лозим, дейди. Сўнгра гиёхлардан дори тайёрлаш ва тарқатишдаги муаммолардан сўзлайди.

— Агар гиёхлардан дори-дармон тайёрлашга дурустрок киришсак, чет эллардан олтин ҳисобига олинидиган айрим дориларни ўзимизда чиқарсан беради. Масалан, макка санони олинг. Биз бир вақтлар республикада ўстириганмиз. Ваҳоланки, ҳозир макка санони ишланган дориларни Ҳиндистондан, Мисрдан келтирамиз. Ҳуш, булардан ташкари, жумҳуриятимизда ўстириш мумкин бўлган доривор ўсимликлардан юзлаб-



Гиёхшарбат (фитобар) дорихонаси мудири Эркин Назарович Жўраев.
Р. Нуримбоев ва В. Жирнов суратлари



Мазза экан...

Гиёҳлардан олинган шарбатлар беморларга шифо бермоқда.






Гүйчинарбат дүкөнүн мудирасы Мухабат Мирзаева ўз ёрдамчысы Мухтар Собирова
билан иш устида.

Дармандори шарбатлар мана шундай гиёхлардан олинади.

В. Жирнов суратлари





Ўзбекистон ССР халқ шоири ШУКРУЛЛО.

Р. Нуримбоеv сурати



Сакнота бокканини. Ҳайкалтарони II. Асесев иштатан киңич ҳайкал.



«Бахор» ансамблининг раккосаси Шахло Дўстмуҳамедова.

Т. Степанова сурати

Рассомлар Баҳодир Жалолов, Рӯзи Чориев ва Тоҳир Миржалиловлар ўзаро мулоқотда.

А. Караваев суратлари





ЯХШИЛАР БОР БЎЛСИН!

Дастлаб Ҳакима Мирабдуллаева ҳақида шу йил «Гулистан» журналинг З-сонидаги ўқиганман. Журналда босилган «Эзгулик» сарлавҳали мақолада унинг кулоқ-бурун ва томоқи касаллуклари бўйича етук мутахассис эканлиги ёзилган эди.

Икки фарзандимнинг томоғидаги муртак шамоллаб-усиб, уларга қаттиқ азоб берарди ва дам-бадам ҳарорати юқори кўтарилиб кетарди. «Гулистан» журналини сабаб бўлдию Ҳакима опа билан танишдид, очик чехра, дилаш инсон экан. У кишининг ёнига бориб ўғилларимни даволотни ҳақида маслаҳатлашдим. «Олиб келинг, даволаб юборамиз», деди Ҳакима опа менинг ташвишини хис этиб. Аввал катта ўғлим Валижонни, орадан бирмурча вакт ўтгач эса, кичигим Анваржонни 1-шаҳар клинике касалонасига — Ҳакима опанинг хузурига силиб бордим. У киши тўртбеш кун ичидаги фарзандларимни ҳамидар қил суғиргандек даволаб юборди.

Бирок, унинг қизиқувчалиги бир қанча соҳаларига ёйилмагани, олдида пайдо бўлган батзи жуда муҳим муаммоларни тахлил этишга интилмаганини кишини таажжублантириди. Буюк Мўғул сифатида обрў-эътибор козонгани, қуруклиқдаги давлат сифатида унинг империяси курдатли бўлгани билан денгизда заиф эди. 1498 йилда Васко да Гама «Яхши умид» бурнини айланни ўтиб, Каликутага етиб келди. 1511 йили Албукерк Малаккани босиб олиб, Хинд океанида Португалия ҳуқмонларини ўрнатди. Хиндистоннинг Ғарбий кирғоғидаги Гоя португаль тасаруфига ўтиб кетди. Буларнинг ҳаммаси португальларни Акбар билан юзма-юз тўкнашувга олиб келмади. Бирок португалияларни дениз оркали Маккага йўл олган, ораларида кўпичча ҳажга борувчи император хонадони аъзолар, аъёнлар бўладиган ҳиндларни асир олиб, уларнинг озод этилишига пул талаб килиб, қамоқда саклар эдилар. Акбар қуруклиқда қанча курдатли бўлмасин, португалияларни денизда устун эканликлари равишан эди. Хиндистон ўтмишда маълум даражада дениз йўлларини ўз назорати остига оғланни туфайли улугворлика ва курдатта эришган бўлса-да, континентал давлатнинг денизгадаги куч-кудратига етарли эътибор бермаслигини тушуниш кийин эмас. Акбар янги-янги ерларни забт этиши билан овора эди, гоҳроҳ унинг китиқ патига тегиг турсалар-да, португалияларни аҳамият бермас, улар билан шугулланишга вакти ҳам йўқ эди. Бир пайтлар кемасозликини ривожлантиришини ният килди, аммо бунга дениз қўшинларини мустаҳкамлаш эмас, шунчаки арман деб каради. Сўнгра, мўгул қўшинлари, бошқа хинд давлатлари қўшинлари каби артиллерия соҳасида Усмонли турк империсидан келган ажнабий мутахассисларга суюнар эди. Артиллерия бошлиги Румихон унвонига эга бўларди (Рум — шарқий Рим, яъни Константино-полидир). Мазкур чет эллиғ мутахассислар махаллий қишиларни ҳарбий ишга ўргатадилар. Ўзидан савол туғилади: нима учун Акбар ёки бошқа кимдир ўз фуқароларини чет элга ўқишига

юбормаган, нима учун унинг ўзи илмий-тадқиқот ишларини рабатлантириш йўли билан артиллерияни таомиллаштиришга кизикмаган?

Яна бир гоят ҳарактерли холат. Руҳонийлар Акбарга босма Тавротни, шунингдек афтидан, бир қанча бошқа босма китобларни ҳам тортиқ қилишган. Нима учун у ўзининг давлат ишлари, шунингдек, қанчадан-қанча ташаббусларига катта наф келитиши мумкин бўлган китоб босмасига эътибор бермагани бизга корону.

Яна бир мисол — соат. Мўгул аслзодалари ўртасида унга талаб катта бўлган. Соатлар португалияларни, кейинчалик эса инглизлар томонидан Европадан келитириб турилган. Четдан олинидаган соатлар бой-боёнларга мўлжалланган зебу зиннатий буюми хисобланар, оддий ҳали эсекуёш, кум ва сув соатлари билан қаноатланарди. Хатто пружинали соатлар тувилишини билиб олиб, уларни Хиндистонда ишлаб чиқариши йўлга қўйишга уриниб ҳам кўрилмаган. Агар Хиндистонда кўплаб кўйи гул ҳунарманд ва усталар борлиги хисобга олинса, техникага бу қадар қизикмасликини лол қолдирали.

Акбар XVI асрда, Европада оғла ҳаракат килувчи кучлар, инсоний ҳаётидаги инқилобий юксалини пайдо бўлган даврда ўзинида. Бу қашфиёт туфайли Европа аввал аста-секин, кейин эса, жадал суратда илгарилаб кетди, XIX асрда эса шундай сакраш килдик, натижада янги дунё яратди. Европа табиат кучларини жиловлаб, улардан ўз мақсади йўлида фойдаланётган бир даврда, оғир карвон ва мурдок Осиё оғир инсон меҳнатига суюнини топган ҳаёт тарзига амал килиб келарди.

Буни қандай тушуниш мумкин? Бу саволга бир хил жавоб бериш кийин, чунки Осиё жуда кенг ва хилма-хил. Ҳар бир мамлакат, айнисы, Хитой ва Хиндистонга ўхшаган йирик мамлакатлар мустақил таҳдил этишини тақозо этади. Хитой, шубҳасиз, ўша даварда ҳам, ундан кейин ҳам анча маданияти бўлган, унинг ҳалки ҳар қандай Европа ҳалкаларига нисбатан маданиятиларо ҳаёт кечирган. Хиндистон ҳам ташидан сарой ҳашиматини кўрсатибгина қолмай, балки савдо-тикорат, ҳунармандчilik, ҳалқ амалий санъати раннага топганини гидан далолат бераби турарди. Европа мамлакатлари у ерга бориб колган ҳиндлар учун кўп жиҳатдан колок ва гарип кўринишни мумкин эди. Шунга қарамасдан, Европада тобора аниқрок намоён бўлётган жўшқинлик Хиндистонда мутлақо сезилмасди.

Тараққиёт ташкидан килинган ҳужумга нисбатан кўпроқ ички заифлини туфайли инқизоринга юз тутади. У, маълум маънода эскириб, ўсиб-ўзгариб турган дунёга бошқа бирон нарса беришга курби, етмаслиги ёки унинг вакили бўлган ҳалк сифат жиҳатидан айниб, ўзига юқлатилган вазифани шараф билан адо этишига ярамай қолиши сабабли заиф-

лашиб қолиши мумкин. Шундай бўлиши ҳам мумкини, ижтимоий тузум олга қараб ҳаракат килишга тўғанокли киласи ва бу ҳаракат тўсиқ бартараф этилган ёки мавжуд тузумга ҳандайдир жиддий сифат ўзгариши кирилтгандағина амалга ошиади. Хинд тараққиётининг таназузла учрагани турк ва ағфон истилоигача етарила аниқ-равшан эди. Истилоичилар ва улар келтирган янги говларнинг кўхъна Хиндистон билан тўкнашувлари янги ижтимоий воқеа-ҳодисаларнинг пайдо бўлишига олиб келдими, шу билан у акл-идрокази кишилардан озод килдими, янги кучграйтларга кенг ўйл очиб бердими? Маълум даражада шундай бўлди, санъат, меъморчилик, тасвирий санъат, музика ва турмуш тарзига янги рух таъсир этди. Аммо бу таъсир етарли даражада чукур бўлмади, бир мунча юзаки кечди, ижтимоий тузум ўзгаришини сиз қолаверди. Батъя масалаларда у ҳатто яна камрок ўзгарувчан бўлиб қолди. Хиндистон европача маънодаги феодал мамлакат эмас эди, лекин унинг мудофаасининг асосини ташкил этишига хароф жамоалари ўзига хос феодал тартибига кўра тузилган эди. Мўгуллар давлати ҳам ярим феодал, аммо кучли мустаҳбид марказга эга бўлган давлат эди. Бу монархия Ражпутан феодализмидан устун турарди.

Агар Акбарнинг порлок ва синчков ақли ижтимоий масалаларни қартилган бўлганида, у жаҳондаги бошқа мамлакатларда кечётган воқеаларнинг мөхиятини тушунишни ҳаракат килганида, ижтимоий ўзгаришларига катта хисса кўшгам бўлур эди. Бирок у ўз империясини мустаҳкамлаш билан жуда банд эди, унинг олдида кўндаланг бўлиб турган асосий муаммо бетўхтот тарқалиб бораётган ислом динини миллий дин ва ҳалқнинг урф-одатлари билан муросага келтириш ва шу йўл билан мил-

лий бирликка эришишдан иборат эди. У динни ақл-идрока суюнган ҳолда талқин қилишга уринарди, бир мунча вакт хинд воқеелигини ғоят даражада ўзгаришиб юборишга мувффак ҳам бўлди. Аммо бундай масалага бевосита ёндаши оdatдаги маувафқият келтирмади.

Шундай қилиш ҳатто Акбар ҳам Ҳиндистоннинг ижтимоий ҳаётига жиддий ўзгаришлар кирил олмади, ундан кейин эса, у яратган ўзгаришларга интилиш мүхити ва ақлий изланишлар барҳадар топди, Ҳиндистон яна ўзининг тургун, барча янгиликларга гунг ҳаётига қайтиди?

Акбар ўз империясини шундай мустаҳкам курған эдики, унинг давлати укувсиз ворислари даврида ҳам юз йилча яшади. Деярли ҳар гал мўгул сулоласи мукоммоди вафотидаги кейин таҳтга дъаъвогарлар ўртасида марказий юқимиятни путур етказувчи урушлар бўлиб турди. Лекин сарой мустаҳкамлигича қолар, улуғ мўгуллар бутун Осиёга ва Европага довруг таратган эдилар.

Анвар КАРИМОВ таржимаси

‘Бобурийлар сулоласи назарда тутилалият’ (таржимон).

² Абул Фазлнинг ҳабар қилинча, Акбар Американинг Колумб томонидан каашф этилганнинг эшигтан. Кейинчалик, Жаҳонгир уни таъкидашга ҳар қанча уримасин, бунинг уддасидан чиқолмаган. Бутун Бобурийлар даврида Ҳиндистон Ўрта Осиё билан мустаҳкам алоказалар ўрнатига келган. Бу алоказалар Россияга ҳам тарказланган. Шаҳ пайтдаги дипломатик ва савдо миссиялари ҳақида маълумотлар бор. Рус дўстларидан бири рус солномаларидағи ани шундай маълумотларни диккатимини жалб қилди. 1582 йилда император Бобурнинг Ҳўжа Кусайн ислим элчиси дўстлик битими тузиш учун Москвага ташриф буюрган.



Суратда: Жавохарлаъл Неру ва қизи Индира Ганди.

ТАБИАТГА — ХИЁНАТ

Бундан 10-15 йиллар мұқаддам күніна Самарқандға келгән сайдекілар, албатта, шаҳарнинг шундоқынан жаңуний қысмда жойлашған Оқалик, Омонқұтон, Ургут тилем тоғлары ёнбағырларидаги арчазорларда, ўрқизору ёнғоқзорларда, күркемлигидан ҳатто тошлары күримай кеттеган қир-адирларда тошқын сойлар, булоқ ва ғашмалар



Самарқанд шаҳари күчаларидан чиққандырылған үз вактида ташиб кетилмайды. Үз ўрнида ёқиб юборилади. Бу эса шаҳар ғавосининг ифлосланышига олиб келаяпты.

Суратда: Күчалардан биридан ахвол.

Атрофидада мирикиб дам олар ва «юрган эканмиз-да, үз юртимизни мақтаб, аслида жаңнатнинг бир бүлгесі бу ерда экан-ку», деб күвонар, иложи бұлса бу жаңнатмакон маскантага яна бир бор келишнен орзу қылар эдилар. Лекин ағасуски, бир вактлар иккінчи Қавказ деб ном олган Оқаликнинг бүгүнгі ахволы. Она табиатта нисбатан күрнамақлық ҳамда шағатқасызликнинг жонлы тимсолидан бөшқа нараса зemas. Бундай бедодликни, нохуш манзаралын күрган киши: «Күзим чиқын сени күргүнча бундоқ», дейиши турған гап. Табиатни она-она, деб оғиз құйырттарымыз-у, аслида, уни асраш, ардоклаша ўрнига уволига қолиб ҳұрлаптады. Жашилика — ѡмонлик, саҳоватта — хиена, деганин шуда.

Карантин, бундан 15-20 йил илгари Оқаликнинг ёнбағырларда ямжышыл арчазорлар, алд тол-терактар яшнаб ёттарди. Аңжир, айор, ёнғок, бодом, анвойи олмалару ўрқилар, жиідә, чилонжийда, дүлдана, тут, нағыматқа каби барча шифобаҳаш, шириң-шакар мевалар күп зди. Сойлар, қылар хусусан баҳорда баҳмал пойнөз түшалғандай безанарди. Булоқлардан жүшиб, сайдан-сойга ўйнаң оқаёттеган ирмек сувидан бир зemas, 12 та тегирмөн

юргизиларди. Сойлар атрофидада етиштирилладын қовун-тарвузлар шунчалық күп ва ширин бұлардың, энді бунақасы ҳеч қаерда битмайды. Бир вактлар Оқаликдаги ҳозирги күп-күрүк сой катта, серсүс ва шүх дарё булиб, 366 та сайдан иборат бўлган. Одамлар сайдан-сойга қайиқда ўтишган. Тоғда айик, жайра, бўри, ёввойи чўчка, тулики,

тоғда қолиб кетишади. Ҳайвонларни, күшларни отишиди, сойларга ҳар хил кимёвий дорилар ташлаб, балиқ зотига қирон кептиришади. Кечалари дараҳтларнинг шоҳшаббаларини синдириб ёки кесилган танасига керосин, бензин күйиб, «машъала» килиб, истаган бемазагарчилклар билан шуғулланишади. Бундан бемаъниликтин олди ўз вақтида олинмаяпти.

Воажаб, факат Оқаликдагина мавжуд бўлған қимматбаҳо қизил гранит тошларни ташиб кетувчилик ҳам кўйлаб қолди. Бундай ноёб тошларни асраш, давлат ҳимоясига олиш имконияти йўқумкин? Ёмоннинг бир қилиги оптик, деганларидек, бу ерга дам олишга келган шаҳарлар кипчилик болсизлик қилишади. Гоҳида қий-чув, гоҳида муштлашиш, ур-йикит. Атрофда бўш шишалар, чайналган сукялар, шўр балиқ, консерва қутилари, ортиб қолган нон, мева-сабзоват ва бошқа маҳсулотлар сасиб-бижиб ётибди. Сойда, кирғоқларда, ўйл ва ўйлакларда майданланган шиша-лар синиги устидан юришнинг ўзи бир азоб. Болаларимиз бу ерга келган ярим яланноч беҳаёй йигит-қизлардан ҳазар қилиб қочишади.

Булоқларнинг аксарияти қурғиб бўлди. Ажойиб шифобаҳаш неъмат — равочлар илдизи билан суғириб олиниб, ургуи йўқолиб бормоқда. Ҳатто гўшти турли яра-чақа, тери касалликларини даволашда фойда бергандаги учун пултопар «табиатшунос»лар беозор кур илонларни беаёв тутиб, ҳар бирини 200-300 сўмгача сотишади. Қаранг, энді инсон илондан эмас,

илон инсондан қўрқадиган, озор чекидиган, тинклигини йўқотадиган ҳолга тушиб қолди. Устига устак тоғда қурилаётган пионерлар лагерининг канализацияси Оқаликнинг 5,5 минг нафарли ахолиси фойдаланадиган бирдан-бир кичкина сайдан атиги 3—4 метр наридан қазилди. Тоғнинг усти тош, ости кум-шагал. Энди ҳадемай пастдан сизиб сувнинг ифлосланши аник, лойиҳачилар канализациянинг аридан, ҳовуз ёки сайдан 15-20 метр нарида бўлишини билишмаса. Базан, табиатга нисбатан ана шундай инсоғизликтан, ҳўрланишдан кўзлашинг ёшланиб, йиглагинг келади. Лекин Оқаликнинг бугунги аянчли тақдирни негадир мутасадди идора, ташкилот раҳбарларини қизиқтирмайтганлиги ҳам ажабланадилди. Бундай дейишимизга ҳам асос бор. Бир вактлар шу ерлек Маҳмуд ота Ражабов 30 йил тоббеги бўлуб ишлаб, Оқаликнинг ноёб табиатини, гўззалигини, бойлигини, ғавосининг мусаффолигин куз қорачиғидай асраран, ардоқлашган эди. Аттанд, қайси бир «тежамкор» раҳбарнинг топқирилиги билан ушбу штат қискартирилди-ю, мана 14-15 йилдан бўён эгасиз, назоратсиз қолган Оқаликнинг қисмати мана шундай аянчли ахвларга тушди. Энди ўша тежамкор кимса тоббегига ойига атиги 130-140 сўм маош беришдан қочиб, тежалган пуллар ҳисобига Оқаликнинг илгариги хусни-жамолини, бойлигини, саховатини қайта тиклай олармикин?

А. МУҲАММАДАЛИЕВ
Самарқанд



Бу лавҳада Самарқанд шаҳри асфальт-бетон заводи мўриларидан чиқаёттеган тутун акс этирилган.

Р. Фафуров суратга олган (ЎзТАГ)

ҲАҚКА ФАҚАТ ТИЛИМИЗНИ ЧҮҚИМАС ЭКАН...

ўрта мактабни имтиёзли баҳодар билан битириб, Тошкентга келди. Островский номлы Театр-рассомлик санъети институты қошидаги янги очиглант музикалы драма фольклористига ўқишига кирди. Унга қўшиқ ижрочилиги, саҳна санъети сирларини Ўзбекистон халқ артисти Рассоқ Ҳамроев ўргата бошлади.

Еши Бахтиёрнинг ўзини тута хуриши, абжирлиги устозини хурсанд этди ва талабаликнинг иккичи йилиёқ уни Муқимий номли музикалы драма ва комедия театрига олиб борди. Бу куттулуг даргоҳда Лутфихон ая Саримосова, Сойиб Хўжаев, Ҳамза Умаров, Машраб Юносов каби халқ севган санъаткорлар хизмат қилиларди. «Равшан ва Зулхумор», «Тоҳир ва Зухра», «Азиз ва Сана», «Аршин Мол-олон» спектакларини кўриш учун халқ ёпирилиб келарди.

Ха, Бахтиёр Ихтиёров институтда ўқиши билан бирга шу театрнинг ажойиб колективи даврасидан ишлаш бахтига сазовор буди. Эл назарига тушган устоз артистлар кўмагида ёш санъаткорнинг истеъодд кирралари саййад топди, кўпчилик дикқатини ўзига ёпирилиб келарди.

Ҳа, Бахтиёр Ихтиёров институтда ўқиши билан бирга шу театрнинг ажойиб колективи даврасидан ишлаш бахтига сазовор буди. Эл назарига тушган устоз артистлар кўмагида ёш санъаткорнинг истеъодд кирралари саййад топди, кўпчилик дикқатини ўзига ёпирилиб келарди.

Ҳалқ — ҳаққоний ҳакам, дейдилар. Бунинг яққол далили сифатида Наманғандаги ўша воеаҳни эслашнинг ўзи киоя: икки санъаткор — устоз ва шогирд орқасидан ёпирилиб кетаётган одамлар ҳамон кўз ўнгимда.

Мана, шунгага ҳам бир йигит умричалик вақт ўтибди...

Биз артист В. Ихтиёровнинг ижодий ва ижтимоий фаолияти — қандай санъаткорлиги қандай унвонлар билан таҳдирланганлиги, неча спектаклни саҳнага кўйиб, томошибин ҳукмига ҳавола этганилиги ўзи канчча образлар яратганлиги, сон-саноқси фильмларда эса коладиган күлгили ҳамда фожиали ўйлаб қаҳрамонларга қандай «жон киритган» лиғи хусусида, хулласи қалом, унинг кейнинг ўттиз юйлик қайнот ижод фаолияти борасидан тўхтаб ўтирадик. Чунки бундан ҳамма хабардор, кўпчилик билали. Ҳалқ ўз севган санъаткорининг «юриш-түриши»дан доим кўз-кулок.

Куни кеча Бахтиёр Ихтиёровни Тошкентнинг гавжум Олой бозорида кўрдим. У катта бир дона сип-силлиқ қарамми баланд кўтиради, сотувчидан сўрарди:

— Дехқон ака, бу қарамми ёки тарвузми?

— Карам, Бахтиёржон, карам!

— Ўйдай бўлса, баҳоси нима учун тарвузникидан уч баробар қиммат? Бир кило қарам пулуга уч кило ун сотиги олиб, чалпак пишириб еган яхширок эмасми!

Атрофни ўраб олган кишилар гур этиб кулиб юборди.

Орқадан шивир-шивир овоз эшилди: «Бахтиёр Ихтиёров! Бахтиёр Ихтиёров!»

— Ие, авану ўзимизнинг артист-ку!

Санъаткор учун кўпчилик ҳурматини қозонидан ортиқ баҳт бўлмаса керак!

Даврда сухбатнинг гули бўйлаб, кўпчиликни ўз оғизга қартиб ўтирган дилкаш одам бамаъни хикоятлар орасида тўсатдан ўзини мақтасаю, кимларнинг дир шаънини ерга урса, ўртага нокулай жимлик чўқади, ҳамма бир-бираға қараб қўяди. Шу биттагина нуқсли гап учун ўтиришдан файз кетади, сухбатнинг гули бўлган ҳалиги одамнинг ҳурматига жиндаккини бўлса-да путур етади.

Яқинда матбуотда Иброҳим Раҳимнинг «Тилимизни ҳақка чўқиғаним?» сарлавҳали мақолосини ўзлон килинди. Унда асосан ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши лозимлиги хусусида сўз юрилди. Муаллиф ўз мақолосида ҳозирги ўзбек тилиннинг тобора қашшоқлашиби колганини, унга кўпгина муносаби сўз ва терминлар кириб кетганини куйиб-пиши, ачиниб ёзди ва ўз фикрини анча-мунҷа мисоллар билан исботлаб беради. Келтирилган мисолларнинг аксарияти ўз жўялилиги билан ўқувчидаги яхши таассурот қолдидари.

Анно, қаранг, сўнгти битта жумла билан ушдан кетганидан кейинги «Гулистон» журнали ижодий ходимларининг 20 йиллик фаолиятига қора кизиқ тортилди! Ана, қаранг, сўнгти битта жумла билан ушдан кетганидан кейинги «Гулистон» журнали ижодий ходимларининг 20 йиллик фаолиятига қора кизиқ тортилди!

Жумхурятимиз матбуотида тарихидан маълумки, «Гулистон» журнали 1969 йилдан чиқабошлиди, ўрталикида Узбатон уруши муносабати билан вақтича ўз фаолиятини тўхтатди. 1967 йилдан яна шу ном билан чон этила бошлади. 1986 йил апрелида «Гулистон»нинг 60 йиллик юбилейи ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фаҳрий Ерлиги билан мукофотланди.

И. Раҳим «Гулистон» журналига асосан икки йил — 1967—1968 йилларда мұхарририлар қилди ва 1969 йил бошларида ишдан кетди. Уша қиска вақтдаги унинг хизматидан биз ҳам кўз юммоқчи эмасми. Лекин, шунинг таъкидлари лозимки, бош мұхаррирнинг ёнида Султон Ақбарий, Рустам Раҳмонов, марҳум Ҳамид Нурий сингари таникли шоир ва журналистлар бор эдларки, «Гулистон»ни қайтадан оёққа турғизишда уларнинг иктидорли хизматларини тан олмаслигин иносифасида бўлур эди. Зеро, қайси қаламкашнинг қай даражада имкони борлиги ҳеч бўлмагандан ижодкорларга беш қўлдек аёнди...

Фактларга мурожаат этайлик, муаллифнинг ёзғанларини ўқийлик: «... олтмишинич юйлар ўтрасида «Гулистон» журналинин тиклаш ва унга «Бош редактор»лик қилинган менга топширилди. Мен ўша қеъда «Ўзбекфильм»нинг раҳбари, кинокомитет раисининг биринчи ўринбосари эдим. Маош катта, махсус машина, ишларим ҳам жойида, обрў ўзимга етарили эди (Аслида обрў ўзимни ҳар қандай кандай ҳар кимнинг ўзи эмас, бошқалар гапларига яхши бўларди). Иккиси баровар маоши кам, машинаси, қора ишга (журнал мұхарририларни кишининг маъсльутига тизмаларча айтилган гапи деб тушунмоқ лозим. Чунки, у бош мұхаррирлидан кетгандан сўнг «Гулистон» аввалгидан кўра яхши йўлга кириди. Бош мұхаррирнинг ёнида катта тажрибага эга, стилист, нуқтадон таҳрири, ўзига хос мактаб яратган услубчи мұхаррир, моҳир таржимон Ваҳоб Рұзиматов ишлади. Улар бошқа ходимлар билан ҳамкорликда журналини енгил-елли обрў ортириш касалидан ҳалос этилар. Масалан, иллари «Чўмилаттган гўзал»

тасвирининг чоп этилиши ва тасвар ёнида санъатшунос С. Круковскаянинг шу асарга қарши ёзилган мақолоси мантиқсизлик билан килинган иш эмасми? Яна: эски ўзбек тилини тиклаш шиори билан сўзларнинг маъносини хис этмай пала-партиши ишлатавериши ҳам журнални ўша йилига сонларда зуҳур топди. «Бу сонимизда алломалар, мавлонолар, шуаролар иштирок этадилар!... Алломалар дейиш тўғри. Хўш, мавлонолар ким? «Мавлонон сўзи «тақсира маъносида ишлатилади-ку! «Шуаро» сўзи «шоирлар» маъносини ташайди. Шундай экан, унинг ёнига яна «лар» қўшимчаси қўшишнинг нима жоҳати бор эди?.. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Асқад Мұхтор, Ваҳоб Рұзиматовлар ва бошқа ижодий ходимлар журнални ишни яхшилашда ана шу жиҳатта катта аҳамият бердилар. Натижада журнал жуда яхши изгит тушди ва ҳалқ ўтрасида унинг обрўси ошди. Кўз юми бўлмайди, журнал материалларида русча ва байналмилади сўзлар, терминлар кўпроқ ишлатилган бўлиши мумкин — бу ҳолатни эса, ўша давр билан, ўша даврнинг умумий оқими билан баҳоламоқ жоизиди.

«Гулистон» журнали ўзининг дастлабки сонларидан бошлаб ўз ўқувчиларида яхши анъаналар ҳади этта, мұхлисларни хурсанд қилиб келган. Уша яхши анъаналар ҳали ҳам давом этаяпти. Жумладан, сўнгти беш йил да вомида мамлакатимиздаги қайта куриши ишларига ҳам ўз улушини кўшиб келади. Мисол учун қатагон йиллари ноҳақ қамалган, ўз ютидан олисларда ҳалок бўлган ҳамкорларнинг номини тиклашда ҳам, порахўларни, кўшиб ўзувчилари, илм соҳасига нотўғри кириб қолган иштедодсиз, субутсиз олимларни фош этишда ҳам, ҳалқимизни ўзлигига таниб олишга ундашда ҳам ибратли мақолалар, асарлар чоп этимодда. Масаланинг моҳиятига бир ёқлама қарайдиган ёки кундаклик матбуотни муттасил ўқиб бормайдиган одамгина буни кўрмасли мумкин.

Кимdir ўзини мақташи, бу билан кўнглини чоп этиши мумкин. Бордю ўзини мақташи бошқаларнинг меҳнатини, шаънини ерга уриши хисобига бўлса, адолат, ҳақиқат лат ейди. Ҳар ҳолда, камтар бўлсан, бирорва бирор гап айтишида, ҳалқ иборасида таъкидланганнидек, кўрпамизга қараб оёқ узатсан яхши-да!

Оқилжон ҲУСАН,
«Гулистон» журнали бош мұхаррирининг мувонини.

СПОРТИ КИМ СЕВМАЙДИ

Мамнуният билан айттіш мүмкіннік, Қоракалпоғистон АССР-нинг Эллиқауда нохиясида ҳар йили аңанавий спорт байрамлари ва оммавий спорт күрік-мусобақаларини үтказыши яхши йұлға күйілген. Умумхалқ байрамларыда, оммавий халқ сайиллари күнларыда үтказыладын спорт мусобақаларини шунингдек, түрлі соға ва касб-хұнар етаплари учун маҳсус ташкил қилинадын мусобақаларни айтіб үтишинше үзи кіфоя. Футбол, волейбол, баскетбол, кураш, тош күтариши, югурши, арқон тортиш ва ҳоқазо спорт түрларында беллашувларда үзінші күрсатқан спортчылар нохияларда мусобақаларда қатнашылар. Масалан, бу ердаге «Автомобилист» футбол командасы автоном вилоят Биринчилигінде иштирок этиби, фахарлы үрнеларни етаплар кела-етір.


Аммо бу нохия спорт ишлары қониқаралар дегани эмас. Үкін-жин-гача колхоз ва совхозларнинг би-ронастаса спорт майдандасы үйкәнди. Спорт иншоатлари етаплары эмасди. Кейнинг иккى йил ичидә барча үйрек колективлар, корхона ва хұжаликлар үз спорт майданчаларыга, саломатлик шаҳарчаларига эта бўлышиди. Булар маҳсус чизиб берилган япли лойixa асосида қуриб битказилиб, фойдаланышга топширилди. Мана шу тадбирларнинг баре кейнинг йилларда эллиқалъаликарларнинг спорта бўлган қизиқишларини ортириди, стадионлар томошабинларнинг ҳордик ва истироҳат масканларига айланди.

Қайта қуриш, ошкоралик, демократия шарофати туфайли, турғуллик йилларда кўз юмиб келинган нуқсонлар, шу жумладан, жисмоний тарбия ва спортдаги муаммолар ҳам юзага қалқыб чиқиб, эндилика үз ечимларини кутиб турибди. Ҳеч сир эмас, жумхуриятимизда спорт майданнан ривожи, айниқса қишлоқ шароитида жуда суст кечәтир. Қишлоқларимизда спорт майданнан Россия, Украина, Белоруссия, Болтиқбўйи ёки Кавказ жумхурияларидагига нисбатан анча паст дараражада. Сабаби маълум — жумхуриятимизда кўп йиллар мобайнида пахта етишириш ҳал қилювчи иш, олий дараражадаги вазифа хисобланыб, халқнинг ҳар томонлама ўсишига, маънавий, жисмоний ривожланишига, маданий ҳордик чиқарышига етаплар өткізилди. Соғлиқни мус-

тақманлашдаги асосий манба бўлган спорта иккинчи даражалари нарса деб қараш ҳәётимизда хукм сурди. Шунинг учун, эндилика қайта қуриш йилларидан ИНСОН ОМИЛІГа — шахснинг ҳар томонлама ривожланишига, ақлий, маънавий ва жисмоний жиҳатлардан етук тарбия қуришига өтибборнинг кучайшиши — маданият, табобат, маориф ходимлари қаторидан спорта қизиқувчиларни ҳам бенихоя қувонтириди.

Спорт ва жисмоний тарбия иншоатларининг камлиги, маҳсус қиёмлар, жиҳозлар, спорт куролларининг етишмаслиги, борларининг ҳам ҳозирги замон талабларига жавоб бераслиги, жисмоний тарбия муаллимларининг ва устозларнинг каммалакалиги қишлоқ спортини ривожлантиришида асосий роллардир. Ҳолбуки, пахтакор халқимиз спорт түрларига, күталашиб ва ҳаракаттабор үйинларга жуда қизиқади. Спорт раҳбарни ташкилий ишларни йўлга қўйиш билан бирга, янги имкониятларни излаб топлиши, амалга ошириши, спорт маданияти тарғиботи билан ҳар доим ва ҳар жойда мунтазам шуғулланиши, бир сўз билан айтганда, чинакам спорт Фидойиси бўла билмоги лозим. Фидойисилик йўқ экан, бирор соҳада ҳам муваффакият қозониш, өтвибор топиш мумкин эмас. Кичик ёшдаги мактаб ўқувчилари ўтрасидан «Чақонконлик, эпчилик, чидамлилик ва куч» шиори остида ҳаракатли үйинлар — югурши, тўл улоқтириш, сакраш мусобақалари тез-тез үтказиб турилади. Ҳозирга қадар нохияда иккى нафар СССР спорт устаси, иккى нафар Ўзбекистон ССР спорт устаси, тўрт нафар СССР спорт усталигига номзодларимиз бор. 1-разрядни спортчиларимиз эса 50 дан ортиқ. Эллиқалъанинг эркин куаш бўйича командаси уч йил ичидә иккى марта умумкомандада ҳисобида автоном жумхурият чемпиони бўлди, автоном жумхурият хотин-қизлар мусобақаларидан қизлар умумкомандада ҳисобида фахрарни учинчи үрнине етапладилар.

Нохияда спорт түрлари билан шуғуланадиган хотин-қизлар командалари тузиғлан бўлғиб, мунтазам машқ ва мусобақалар үтказиб туриши яхши йўлга күйилган. Мана, уч йилдирки, волейбол бўйича қизлар командаси автоном жумхуриятда ҳар гал голиб чиқишиади. Бу команда бир неча марта вилоятлараро үтказилган беллашувларга ҳам қирилди. Командада 9 нафар қиз 1-разряд нормасини бажарди. «Октябрь 60 йиллиги» совхози ишчилари — Насиба Давлетова, Мехриён Мадрахимова, Нигора Нурулаева, Олтиной Одилбекова, Ширин Матёқубова, Дилбар Юсполова, Азиза Хўжамовалар командинг етакчи үйинчилари саналади.




Пахлавон майдонда синалади.

«Қарс иккى қўлдан чиқади», деган доно гап бор. Нохияда спорт маданиятини ривожлантириш иккى ёки уч қишининг гана ҳаракатио интилишлари билан амалга оша бермайди. Бунинг учун хўжалик ва корхона раҳбарлари, мутасадди ходимлар, қолаверс, спорт қизиқувчи омманинг үзи бир ёқадан бош қиқарип иш олиб борморги лозим. Бизда, масалан, сифатли ишланган спорт жиҳозлари, анжомлари, кийимлар ҳали-ҳамон етишмайди, дўйонларда ҳам йўқ. Таъминотки, ёмон ахволда экан, юксак мэрраларни орзу кимласа ҳам бўлади. Ҳолбуки, қишлоқ ёшлари ичидә спорт мастерлигига, жумхурият, итифоқ ва жаҳон чемпионлигига ўсиб чиқа олишга лаёткатли, иктидорли спортчилар жуда кўп. Афсуски, уларнинг кўпчилиги нокулаш шароит туфайли ё мағузалотлардан безиг ўзи ўстезидодларни тўла намоён қилолмай, ўтрамиёна спортчи ҳолида қолиб кетадилар. Баъзан эса оддийигина эътиборсизлик, айтайлик, раҳбар

ходимларнинг: «Э, булардан чемпион чиқармайди!» деган маънодаги совуқ муносабати ҳам япроқ ёзётган умидга завол етказиб кўшиши мумкин. Мана шунака муаммоларни бугунги ошкоралик замонида баҳамжиҳат, биргалишиб ҳал қилиш керак, албатта. Ҳали амалга оширилиши керак бўлган ишлар кўп. Ниятлар ҳам шунга ярши. Аввало, ҳар бир хўжалик, корхона ва колективнинг замон талабларига мос ўз саломатлик шаҳарчаси, спорт комплекси бўлишига эришишимиз керак. Районда оммавий спорт мусобақаларини, турли миқёсдаги турнир беллашувларини тез-тез өтказиб туриш, чемпионлар етиштириш, кейин, мамлакатимизнинг энг машҳур спортчиларини райондан тақлиф килиб, учрашувлар ташкил қилиш лозим.

Бозорбой НУРЖНОВ,
Музаффар АХМЕДОВ
ҚҚАССР.



Бўш келманглар, азаматлар!

ЧАКИР-ЩИКАНАК

АНТИКА МУКОФОТ

Ха жвия

Жума куни махаллий комитет раиси Эшмат Тошматович Толибжонни ўз хонасига чакирди.

— Толиббой ука, ишлар қалай?

— Тузук, раҳмат, Эшмат ака!

— Бу дейман, сизни яхши ишләяпти, деб эштамади. Ешлар ана шундай бўлиши керак-да ўзи. Киши меҳнатдан бўйин товламаса, кийнчилликлардан чўчимаса, унга доим омад кулиб бокади. Хўш, укам, нима десам экан... Гапнинг пўсткаласини айтадиган бўлслам: яқинда биз сизни мукофотга тавсия этмоқчимиз!

— Ахир менинг ишга келганингда ҳали бир ишлар бўлгани йўк-ку?... Корхонамизда анча ийллардан бери яхши ишлаб келаётганлар бор-ку.

— Укам, ҳали ёҳсиз-да, ёҳсиз! Шуни яхши биллингки, бизда ҳамма мукофот олишга ҳақли. Ҳа-ҳа, мукофот оливеради! Сиз ҳам яхши ишлапсанз, мулла Толиббой укам. Сизни мукофотта тавсия этсан ёмонми? Яна канака мукофот денг, жуда-жуда гарой-да... Мен директор билан ҳам

маслаҳатлашдим, у киши кўндишлар.

— Ундаи бўлса, мен нима ҳам дердим, Эшмат ака! Хизматимни билиб мукофотга тавсия этибизилар, мен розиман!

Мана, бу — бошқа гап!.. Мукофот беришдан один бир-икки мажлисларда сизни ҳалигидек... роса мақтамиз, шов-шув кўтарамиш, суратинизни «Хурмат таҳтаси»га осиб кўймиз. Ундан кейин мукофот — бу «Мехнат дафтарч»га ёзилади, укам. Мукофотнинг келгуси ишларингида ҳам жуда катта фойдаси бор...

Эшмат Тошматович паст овозда кўшиб кўйди:

— Энди, Толиббой ука, бироз тараффуд қилишга тўғри келади. Шу муносабат билан директоримизга жиндең ўтириш килиб берсак...

— Эшмат ака, биз ўтиришдан кочадиганлар ҳилидан эмасмиз, — деди Толибжон.— Мана, шу бугун десангиз — шу бугун! — Фазлидин акамизга жонимизни берсак ҳам арзиди.

— Э, баракалла укам, гапнинг «ўғил боласи»ни айтдингиз-да! Энди шошманг, укам, бироз сабр киласиз. Бугун эмас, келаси ҳафтанинг шанба кунига тўғриланти. Уша куни кечқурун соат саккизда ўн чокли киши борамиз: директоримиз Фазлидин ака, у кишининг мувонилари Раҳмонқул ака, бош инженер Мусаев боз бухгалтеримиз Гайратжон ака, кассир Ҳамиджон, каминаи камтарин, комсорг Ботирили ва яна шунга ўхшашлади...

— Ҳўп, ака, ҳўп, ака, жоним билан! Албатта, айтганингиздай бўлади...

Толибжон уйига боргунча антика мукофот тўғрисида ўйлаб борди. Канака мукофот экан? Пулмикан? Балки кимматбахо мебелдир? Гаройиб мукофот деяпти. Бу — унча-мунча мукофотга ўхшамайди. Ҳойнаҳой, енгил автомашина бўлса керагов! Бошқа яна нимайм бўлиши мумкин? Бултур корхонамизнинг кекса ишчиси Сайдкул ақага олтмиш ёшга тўлганлиги муносабат билан «Жигули» беришган экан...

Толибжон оғзи кулоғига етгудек холатда уйига кириб борди.

— Хотинжон, эрингни табриклишинг мумкин. Бугун мукофотга тавсия этилдим!

— Вой, Толибжон ака-ей, табриклиман! — деди хотини қувониб.

Толибжон бошидан дўпписини олиб, диван устига ташлади.

— Энди гап бундай, хотинжон! Корхонамизнинг катталарига бир ажойиб ўтириш килиб берамиз. Месткомимизнинг айтишига қараганди, ахир бу — унча-мунча мукофот эмас — гаройиб! Корхонамизда манаман деб ишнинг «қўзи»ни биладиганлар бўлатуриб, мендек янги бир ишчини хурмат-иззат килиб, мукофотга тақдим этишибди...

...Эртаси кундан бошлиб Толибжон ўтириш тараффудига тушиб кетди. Кимматбахо конъяқдан тўртта, «Экстра» арогидан олтига, бир яшик «Тошкент суви», беш кило девзира гуруч ва бошқа майда-чўйда нарсалар ҳарид килид. Жума куни ўн кило кўй ўтишти топиб келди. Кискаси, ўтиришга

етадиган зарур нарсалар мухайё этилди.

Антика мукофотни «ювиш»га бағишиланган ўтириш ҳам кутилганидан анча зиёд бўлиб ўти. Эшмат Тошматович айтганда, ўн чокли одам келишиди. Даструрхон ажойиб килиб безатилган эди... Ҳамма нарса кутилгандек бўлди. Толибжон шаънга кўлдан-кўп мадху санолар ўқидилар.

Душанба куни Толибжоннинг тенгкорлари «мукофотни ювамиз» деб колишиди. Толибжон кўшинисдан юз сўм кара олди, мукофот ресторандан «ювилади». Толибжон шу тариқа корхонада «ғозига тушиб», обрўй анча ошиб колди. Энди у «гаройиб» мукофотни тоқатизилик билан орзикб кутарди. Бир хафта кутди, иккى ҳафта, уч ҳафта, борингки, тўргт ҳафта каради, аммо мукофотдан дарап бўлмади. Охири Эшмат Тошматовичнинг хузури борди. Эшмат ака кулиб қаради.

— Нега шошасиз, укам? — деди у. — Айтдик-ку сизга — антика мукофот! Билдингизми? Шошманг, келиб коллади. «Сабр таги — сарик олтин», дейдилар. «Сабр килсанг — гўрадан холва битар», деган донорлар.

Беш кундан сўнг Тошматов Толибжоннинг кассирининг хонасига етаклади.— Мана, орзикб кутилган мукофот ҳам келиб колди, — деди-да, кассирини олдига ведомостни сурб кўйди.

Толибжон ўзининг фамилияси кўзи тушди-ю, бирор устидан бир чеълак қайнок сувни куйиб ўборгандай бўлди.

— Шуми, «антика» мукофот? — деди у руҳисзланниб.

— Имзо чекаверинг, укам,— деди Тошматов.

Толибжон бутун аламини ичиги ютиб, когозга имзо чекаверганди Эшмат Тошматович зиппиллаб хонадан чиқиб кетди... Бирордан кейин кассирдан олган «антика» мукофот — бор-йўғи йигирмагина сўм пулни чўнгатига уриб, Толибжон ҳам тарзуви кўлтиғидан тушган ҳолатда кассирининг олдидан нари кетди.

Абдуқаюм БЕККАМОВ
Дехконобод

ЯМИН ҚУРБОН

ПОРАХҮР БИЛАН АЖАЛ

Нафси, дeng, бамисли ўпқон Порахўр,
Қассоб кундасидек йўғон Порахўр
Ўтирар эди, дeng, хона тўрида,
Амир таҳтидайин ўринидигида.
Шамол очгандайин очилиб эшик,
Совуқ бир башара кириб келди тик.
«Хўш, кимсан?!» — Чимирли Порахўр қоши,
Бўлди отилгандек палаҳонмон тоши.
«Хоҳо!! Эй, дўкай, айтсан мен дангл,
Зинкор ажабланма, эрурман Ажал».
«А, ним-а?!!»

«Бил, келдим олгали жонинг;
Фарзимдир бажармоқ Оллоҳ фармонин».
«Хўш, айт, хўш, ўргилдим, не экан айбим,
Еки Оллоҳингдан бормикан қарзим?!!!»
«У-ў-ў, айларинг лак-лак, депсина кўрма,
Арзигай кўмисланг дўзахий кўрга.
Ҳимм, ким гўл эканин идроқ этсанг сал,
Юмуши порасиз этилмади ҳал.

Нафсинг эрк бермайин ақлингга асло,
Кўриндинг элатта мисли аждаҳо.
Касрингдан шаҳару қишлоқда, ҳайҳот,
Дўқай кишиларга сўнди эътиқод.
Барি бир гўрdir, деб атади улус,
Барига улуснинг меҳри бўлди муз.
Бу, ахир, таърифдан ташқари гуноҳ,
Эй, Оллоҳ қаҳридан бехабар гумроҳ!»
«Кел, кўй, вей, заҳрингни ичинга ютгил,
Яхиси, келишув йўлни тутгил!
Ун минг ол, юз минг ол, майли, миллион,
Илтимос, бас менга, омон қолса жон!»
«Пул — ҳазон, эй, иблис табиат малъун.
Уволдир сен учун лаҳза ёргу кун!»
Bo, ахаб, бу не ҳол, қаранг, шу маҳал
Порахўр шилқ этди, йўқолди Ажал.

* * *

Бил, охиринг вой, эй, қилмиши қинғир;
Қинғир иш бўғзингга тортилган тифдир.



— Бунақа Жайраларнинг сочини силашга ҳам кўрқасан киши.

И. Зоиров чизган расм

ҚАТРА ХАНДАЛАР

Бир умр эпизодик ролларда йүнаган актёр дегиздә чўқаётганда, одан образини ярататтанди. Сувга тушгач, режиссёрга деди:

— Агар келгуси фильмда асосий роль ваъда килмасангиз, ростдан чўкиб ўламан.

— Ниятингиз каттый бўлса, бироз сабр қиласиз, — деди режиссёр пинагини бузмай. — Навбатдаги фильmdа минорадан ташлаш саҳнаси бор.

* * *

— Кеп қолинг, еганингизга пул олмайдиз, пуллингиз ённингизда кетади, — деда мақтарди узумини сотувчи.

Харидор сотувчига яқинлашиб деди:

— Еганига пул олмайдиган бўлсангиз, икки кило тортинг.

Салоҳиддин СИРОЖИДДИНОВ

ҲАЙР-ҲИҚР ЛАР

«Миш-мишга ишониб, ўн қоп ун билан ўн қоп гуруч олиб қўйған эдим, мита тушиб, яроқиз бўлиб қолди. Миш-мишчиларга жазо йўқми?»

(Лақманинг шикояти)

«Автобусда тик туриб кетаётган ҳомиладор аёлга: «Яхши қиз, мабодо жойимни бўшати берсам, эрчангиз рашик қилмайдими», деган эдим, у: «Келин ячамиз рашик қилишлари мумкин, бемалол ўти-раверинг», деб жавоб берди».

(«Хушёр» йўловчининг гапи)

«Уй-жой ўзимга етарли бўлгани учун иккичи участкамни қайнитма соғва қилдим».

(«Хотатмой» кишининг аризасидан)

«Ишда яхши кўрсаткичларга эришгани учун Тўқлиев «Хурмат таҳтаси»га осилсин».

(Эълон)

«Қайнинглимни йигит билан учрашуга олиб чиқиб, роса кутдик, дараги бўлмади. Кўёв бола қаерда хизмат қилар экан десам, қайнинглим: «Тез ёрдам»да, деб йифлаб юборди.

(Аёл гинаси)

«Тошбақага калтак таъсир қилмаганидек, қайтими бермайдиган такси шоғерларига танқид кор қилмайди».

(Йўловчинининг шикояти)

A. ИСОМИДДИНОВ

* * *

Кул-ўйна кул ўйна,
Ешлигингда пул ўйна.
Ширакайф йигитларнинг —
Чўнганини шил, ўйна.

(Отарчининг тўйдаги кўшиғидан).



ИЖ.


Киночи оператор: — Бемалол чўқаверинг, азизим, жуда ажойиб кадр чиқади.

I. Зоиров чизган расм

Редакцияга келган бир босма тобоқкача бўлган материаллар муаллифа қатарилмайди.

Журналдан олинган материалга «Гулистон»дан олинди, деб кўрсатилиши шарт.

Бу сондаги айrim материалларни тайёрлашда «Правда», «Известия», «Труд», «Сельская жизнь» газеталаридан фойдаланилди.



КРОССВОРД

ЗНИГА: 5. Қорақалпоғистон АССРдаги мавзе. 8. Торли, пардасиз миллый мусиқа асбоби. 9. Ўзбек ва туркман классик шоюри. 11. Узуноёқ кўчмачни қуш. 14. Шарқ адабийтининг йирик наимояндаси, файласуф шоюр, «Нуристон» асари муаллифи. 16. Фузиулӣ ғазали билан айтладиган классик қўшиқ. 18. Мактаб жизози. 19. Туркшунослик илмининг асосчиси, комусий олим, «Девону луготти-турка» асари муаллифи. 20. Майдо нарсаларни катталаштириб кўрсатадиган асбоб. 22. Ҳаҳрамон қаъса. 24. Айтматов қиссаси. 25. Ҳуқуқ мұассасаси. 29. Ҳар жихатдан мұқаммаллик. 31. Иттифоқдош республика похтахти. 32. Ўзбекистон ССР ҳалқ шоюри. 33. Ставрополе ўлқасидаги курорт шахар.

БҮЙИГА: 1. Тангали балиқ турларидан бирги. 2. Азот кислотасининг тузи. 3. Ениб турған оловдан кўтарилган ёлқин. 4. Жийдасимонларга мансуб, нордон меваоли бута. 6. Қовун нави. 7. Безак буюлмери учун ишлатидиган киммат-бахо тош. 10. «Куттул қон» романни қаҳрамони. 12. Туркӣ халқлардан бирги, кардош миллат. 13. Транспорт иншооти. 15. Ҳоразм вилоятидаги мавзе. 16. Ўн икки буржининг бириги. 17. Эрондаги қадимин шаҳар. 18. Европадаги давлат пойтахти. 21. Ер қаърида ҳосил бўладиган чўйсимон суюқ модда. 23. Узун барғли, хушибўй гул. 26. Ўзбек қабилаларидан бириги. 27. Ҳарбий арроб, икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони. 28. Ғарғона водийсидаги шаҳар. 29. «Ўзун» йил. 30. Очиқ коннотда илк бор бўлган космонавт учувчи.

Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ

10-СОНДА БОСИЛГАН КРОССВОРДНИНГ ЖАВОБИ

ЗНИГА: 3. Мехинбону. 7. Шамсия. 8. Колима. 9. Хонтахта. 11. «Чиннингу». 14. Нўхта. 16. Нафосат. 17. Чўпон. 18. Ачиқтош. 19. Тегирмон. 23. Давра. 24. Интизом. 26. Курка. 27. Манометр. 29. Айтматов. 31. Ангара. 32. Шанхай. 33. Хайдарқўй.

БҮЙИГА: 1. Регистон. 2. Инсоният. 4. Небидтоғ. 5. Савт. 6. Емби. 9. Хина. 10. Нахичеван. 12. Гипократ. 13. Лена. 15. Афиға. 17. Чорак. 20. Удум. 21. Чигиртика. 22. Далв. 24. Интернат. 25. Мўйнадўз. 28. Ойна. 30. Араб.

МУҚОВАДА

Биринчи бет: Гиёҳшарбат — дардмандга шифо. Тошкент шаҳридаги Себзор маҳалласидан очилган шифобаш гиёҳлар ивитмасидан тайёрланган шарбат дўкони (фитобар) сотувчиши Шоҳида Муродова. («Мехрибон гиёҳлар» мақоласига қаралсин).

В. Жирнов суратга олган.

Тўртинчи бет: Тошкентдаги Авиасозлар маданият саройи қошидаги «Парвоз» ансамбли аъзолари Фазалхон Корабоева билан Иродда Дўстмуҳамедова.

Т. Степанова суратга олган.

Босмахонага туширилди 19.09.89. Босишга рухсат этилди 26.10.89. Р.04366. Қогоғ формати 70×108^{1/2}. Офсет усулида босилди. Қогоғ тури босма № 1. Шарти босма тобоб 5,6. Нашр хисоб тобоби 7,8. Шарти рағни манумалар 16,8. Тиражи 142389. Вуортма № 1683. А-127. Баҳси 35 т.


Ўзбекистон Компанияси Марказий Комитети нашриятининг Мехнат Кизибай Байрок орденли босмахонаси 700000. Тошкент — П. Ленин кўчаси.



Маъдан изловчилар сафардан қайтмоқдалар.

Р. Нуримбоев суратлари

Иилқилар.



Тоғ манзараси.

